

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№1 (09) 2012



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ниғматилла Йўлдошев
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Шухрат Узаков
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

МУНДАРИЖА

Т.УМАРОВ.	Оилани мустаҳкамлаш: асосий йўналишлар ва истиқболдаги вазифалар.	1
Х.ТУРДИБОЕВ.	Оила — ҳаётимиз таянчи ва суюнчи.	8
О.ПАРПИБОЕВА.	Маънавий баркамоллик — оиладан бошланади.	12
Г.АЛИМОВА.	Мустаҳкам оила ва баркамол инсонни шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли.	15
А.ИСМОИЛОВ.	Оилани мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни.	18
М.ЮЛДАШЕВ.	Оила мустаҳкамлиги — эл-юрт таянчи.	21
Х.МАМАДАЛИЕВА.	Оила давлат ҳимоясида.	26
А.АБДУЖАББОРОВ.	Фуқаролик процессида даъвони таъминлаш: хорижий таҳриба ва миллий амалиётнинг ўзаро уйғунлиги ва нисбати.	29
М.ҚУРБОНОВА.	Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида.	32
С.ЮЛБАРСОВ.	Оила — жамиятнинг мустаҳкам таянчи.	36
М.БАРАТОВ.	Оила — фарзанд тарбиясининг ўчоғи.	40
Н.РАХМОНКУЛОВА.	Чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида тузилган никоҳни тан олиш.	44
С.НИЁЗОВА.	Оилада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг сабаблари.	46
Д.БАЗАРОВА	Никоҳ тузилиши — мустаҳкам оила вужудга келишининг асоси сифатида.	50
И.УСМОНОВ.	Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти.	55
О.ҲАМРОЕВ.	Мустаҳкам оила ижтимоий тараққиёт гарови.	58
Х.АРТЫКХОДЖАЕВА.	Оила қонунчилигини такомиллаштириш — давр талаби.	61
Д.ЮНУСОВА.	Мустаҳкам оила — жамият таянчи.	64
Р.ВАЛИШЕВА.	Семья — источник духовности и культуры нации.	70
С.НАЗАРОВА.	Ёшларда мустаҳкам оила туйғусини тарбиялашда ижтимоий ҳамкорликнинг долзарб муаммолари.	73
О.ХУДОЁРОВА.		76
Д.ТАШПУЛАТОВА.	Оила — муқаддас даргоҳ.	80
Суд амалиёти		83
Янги китоблар		

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАМДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИДИР

Юртимизнинг дунёдаги обрў-этибори тобора ортиб бораётган шу кунларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улғу сана — мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами кенг нишонланди.

Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига эса ўн тўққиз йил тўлди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди" — деб қайд этдилар.

Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни жаҳондаги тараққий этган давлатлар ҳам эътироф этмоқда. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Мамлакатимиз тараққиёт йўли сифатида танланган "ўзбек модели"нинг маъно-мазмуни — иқтисодий мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланди.

Давлатимиз раҳбарининг ислохотлар ислохотлар учун эмас, энг аввало инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганини қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, ислохотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг мустақиллик меваларидан тўла баҳраманд бўлишларига қаратилгандир.

Ана шу муҳим ва стратегик мақсад сари мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган миллий қонунлар яратишга, бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланишига асосий эътибор қаратилди.

Миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқаро-ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Муҳими, бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб олинмади. Мукамал тарзда ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги концепцияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳар бир қонун ёки қонуности ҳужжат устида иш олиб боришда бу ҳуқуқий меъёрнинг халқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуқтаи назаридан ёндашилди.

Бу эса, албатта, ислохотларнинг узокни кўзлаб, инсон манфаатларини ўйлаб, чуқур мулоҳаза асосида замон билан ҳамнафас руҳда амалга оширилаётганидан далолатдир. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси тафаккури, фикрлаш тарзидagi ўзгаришлар янги жамият кишилари шаклланиб келаётганлигининг ёрқин ифодаси бўла олади.

Эндиликда мустақил давлат фуқаросини мустабид тузум давридаги эркисиз, итоаткор фуқарога таққослаб бўлмайди. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ўзгариб ва янгиланиб бораётган фуқароларимиз жамиятдаги туб ислохотларга бепарқ эмас, аксинча, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи фаол кучга айландилар. Қайси соҳадаги ислохотларнинг боришини кузатмайлик, ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўз тарихи, бугуни ва келажакини тасаввур қила олган фуқароларимиз улғу мақсад йўлида бирлашиб, қудратли яратувчи кучга айланиб бораётганига амин бўламиз.

Ислохотлар жараёнида муҳим босқич ҳисобланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва ян-

гиликлар мамлакат тараққиётида алоҳида ўринга эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ бўлган бу тизимни ислоҳ қилишга умумдавлат аҳамиятига молик, ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралди ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда яратишга жиддий киришилди.

Мазкур тизимни либераллаштириш борасида халқаро-ҳуқуқ нормалари ҳар томонлама ва чуқур ўрганилди, бу соҳадаги етук олимлар, малакали ҳуқуқшунослар, назарий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилиб, уларнинг фикрлари таҳлил қилинди.

Албатта, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари қаторига киради. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги биринчи инқилобий қадам — давлатимиз раҳбарининг прокуратура органларини иттифоқ марказига тобеликдан ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг "Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунини ўзида акс эттирувчи дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан биринчи марта иттифоқ доирасида Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари, илгаригидек СССР Бош прокурори томонидан эмас, Республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайинланиши Конституция билан мустаҳкамлаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва парламенти олдида ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги белгиланди.

Президентимизнинг 1992 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида"ги Фармонида "Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилсин", деб белгилаб қўйилди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 24 январда "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фа-

олиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 33-сонли Қарор қабул қилинди.

Давлатимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа прокуратура идоралари зиммасига юклатилди. Конституциянинг XXIV боби прокуратура органларига бағишланиб, унинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу нормалар асосида Конституциямиз қабул қилинган куннинг эртасига, яъни 1992 йилнинг 9 декабрь куни "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ҳам қабул қилинди, унда прокуратура идораларининг вазифа ва мақсадлари белгилаб берилди.

Энг асосийси, истиқлолнинг дастлабки йиллариданок прокуратура органлари мустақил, ёш демократик давлатимизнинг суянчи ва таянчига айланди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Прокуратура ислохотлар билан теппа-тенг, баҳам-жихат қадам ташлаган ҳолда, прокурорлик назорати ёрдамида қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилишига яқиндан ёрдам кўрсатиб, мамлакатда қонунийликни таъминлаш ишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди ва қўшиб келмоқда.

Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самардорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилди.

Жамият ҳаётидаги чуқур ўзгариш ва янгила-нишлар, инсонлар онгида демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиб бориши, янги ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши, биринчи навбатда, прокуратура тизимини жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Бунда прокуратурани қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантиришга устувор аҳамият берилди.

Хусусан, Президентимизнинг гоёлари асосида ва бевосита раҳбарликлари остида 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Демократик ва инсонпарварлик тамойилларига мос равишда қонунга киритилган янги 12 та модда прокуратуранинг ҳуқуқий мақо-мини такомиллаштиришга олиб келди.

Айни вақтда, прокурор назорати объектлари қаторидан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функцияси чиқарилди. Халқ орасидаги "прокуратура жинойи жавобгарликни таъқиб этувчи орган" ёки содда қилиб айтганда, "қораловчи идора" тушунчасига барҳам берилди.

Эндиликда прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги белгиланди.

Шунингдек, назорат ҳужжатлари қаторидан прокурорнинг қонунни бузиш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома бериш ваколати чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи ҳам прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги фаолиятига эътибор кучайди.

Қонунда прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган қатор янги нормалар ҳам ўз ифодасини топди. Қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезони сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Умуман олганда, бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтиришга, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, қонунга киритилган ўзгартишларнинг асосий қисми Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббусларидан, улар томонидан прокуратура органлари олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиққан.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан бу соҳадаги фаолиятимизга қўшимча вазифалар қўйилди.

Ушбу фармон билан прокуратура органларининг қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун прокуратура тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилинди. Прокуратуранинг таркибий тузилмасида жиддий ўзгаришлар бўлди, янги бошқарма ва бўлимлар тузилди.

Бундай янгиликлар асосида прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қўйи органлар устидан раҳбарлик қилиш, фаолиятини такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ҳисоботларни юритиш тартибига оид буйруқ ва кўрсатмаларни ягона тизимга солиш зарурияти юзага келди.

Шу мақсадда Республика Бош прокурорининг прокуратура органларида ишларни ташкил қилишга доир янги соҳавий буйруқлари, таркибий тармоқларнинг вазифалари ва ваколатларига доир низомлари, муайян йўналишлардаги ишларни тартибга солувчи йўриқномалар ва кўрсатмалари ишлаб чиқилди.

2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасида бутун дунёда энг кўп тарқалган ва самарали ҳисобланган парламент фаолияти шакли — икки палатали парламент: Сенат ва Қонунчилик палатасига ўтилди.

Ўтказилган плебисцит (референдум) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлари қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Бу ислохотлар натижасида прокуратура органлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Сенатининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикасининг Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ўзаро муносабатлари механизмини, шунингдек, Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис олдидаги ҳисобдорлигини белгилаб берди.

2005 йилдан бошлаб мазкур конституциявий норма асосида ҳар йили Олий Мажлис Сенатида прокуратура органлари фаолияти юзасидан Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитиб келинмоқда.

Бу даврлардаги фаолиятимиз таҳлили шуни кўрсатдики, республикада қонунлар ижроси ус-

тидан назоратни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилган.

Масалан, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги кенг қамровли тадбирлар натижасида умумий жиноятларнинг кескин ўсиб кетишига йўл қўйилмади.

Айни вақтда, оғир ва ўта оғир турдаги, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг камайишига эришилди. Шу каби, вояга етмаганларнинг жинояти, рецидив ҳамда маст ҳолда содир этилган жиноятлар камайди.

Тергов ҳаракатлари устидан назорат кучайтирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонунларга қатъий риоя қилинишини таъминлашга ва терговнинг сифатини яхшилашга эришилди.

Айниқса, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупция кўринишларини фож этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу йилларда турли суиистеъмолчиликлар, порахўрлик, ўзлаштириш, совуққонлик ва бошқа жиноий ҳаракатлар содир қилган 39 минг нафар мансабдорлар жиноий жавобгарликка тортилди. Улар томонидан етказилган моддий зарарнинг 1 трлн. сўми тергов жараёнида қопланди.

Жумладан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, давлат ва унинг мудофаа қобилятига қарийб 25 млрд. сўм зарар етказганлиги учун собиқ Мудофаа вазири К.Фулломовнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

"Тяньши инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари Хитой фуқаролари Жун ва Жинпинглар бошчилигидаги жиноий уюшма томонидан Хитойда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган 29,5 млн. АҚШ долларилек биологик қўшимчалар ва бошқа дори-дармон воситалари фуқароларни алдаб, тармоқли маркетинг орқали сотилган. Сотувдан тушган пуллар банка топширилмасдан, 17 млн. АҚШ доллари ноқонуний йўллар билан республикадан олиб чиқиб кетилган. Ушбу жиноят оқибатида давлатга етказилган 6,5 млрд. сўмлик зарар тўлиқ ундирилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдорларнинг 3498 нафари ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда масъул лавозимларда ишлаган.

Масалан, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарган А.Баҳрамов бошчилигидаги жиноий уюшма аъзоларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича А.Баҳрамов 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди, жиноий уюшманинг яна 132 нафар аъзолари жавобгарликка тортилдилар. Мазкур жиноий уюшма томонидан содир этилган жиноятлар оқибатида етказилган зарардан 60 млрд. сўм, 1,5 млн. АҚШ доллари ва 462 минг

евро айбдорлардан ундирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул мансабдор шахслари, 31 та концерт ва 11 та бошқармага бирлашган 321 та корхонани ўз ичига олган "Karavan Holding" концернлар ассоциацияси раҳбари Д.Лим ва унинг раҳбарлигидаги жиноий уюшма аъзолари томонидан содир этилган жиноятлар бўйича тергов ҳаракатлари ўтказилди. Тергов жараёнида давлат манфаатларига 201,9 млрд. сўм зарар етказилганлиги, жиноий фаолиятдан олинган 107 млрд. сўм даромад легаллаштирилганлиги, 1 млн. АҚШ долларидан ортиқ валюта яширилганлиги, мансабдор шахслар томонидан 1,3 млрд. сўм ва 121,9 минг АҚШ доллари миқдоридан пора олинганлиги аниқланиб, давлатга етказилган зарар тўлиқ ундирилди. Мазкур жиноят иши бўйича 196 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бу йилларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашга эътибор янада кучайтирилди.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террористик ҳаракатлар бўйича ўтказилган тергов ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали сизларни хабардор қилиб борган эдик.

Айтиш керак, мазкур жиноят иши бўйича ўтказилган 2827 та ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, 557 та тинтув, 326 та кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари давомида 9486 та ашёвий ва ёзма далиллар олинди, улар юзасидан 3217 та турли хил судга оид экспертизалар тайинланди.

Тергов натижалари бўйича террористик ҳаракатларга алоқадор бўлган 362 нафар шахс судга берилиб, улар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу билан бирга, Бош прокуратурада Европа Иттифоқи экспертлари делегацияси 2 мартаба (2006 йил 11-16 декабрь ва 2007 йил 1-4 апрель кунлари) қабул қилиниб, мазкур жиноят ишининг тергов ва судда кўрилиши натижалари муҳокама қилинганлиги тўғрисида ҳам муқаддам ахборот воситалари орқали хабар қилинган.

Шулар қаторида, 2009 йил 26 май куни Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, 2009 йилнинг июль-сентябрь ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида диний уламолар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига нисбатан қилинган шундай ҳолатлар бўйича ҳам сифатли тергов ҳаракатлари ўтказилиши таъминланди.

Қонунлар ижроси устидан ўтказилган текши-

ришлар йилдан-йилга камайтирилди. Лекин, текширишлар самараси оширилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича жами 1 млн. 920 мингта прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Мансабдор шахсларнинг 835 минг нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган зарарнинг 45 млрд. сўми ихтиёрий ундирилди.

Умуман, прокурор текширишлари ва жиноят ишлари тергови давомида жами етказилган зарардан 1 трлн. 479 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Бошқа соҳаларда ҳам прокурор назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиш ваколатидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 31 та масала юзасидан қонун лойиҳалари тақдим этилиб, уларнинг 30 таси Сенат томонидан маъқулланди, 1 та қонун лойиҳаси эса ҳозирда Қонунчилик палатасида кўриб чиқилмоқда.

Масалан, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2010 йилнинг 29 сентябрида қабул қилинди.

Мазкур қонунда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизими идораларининг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари, шунингдек, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тартиб ва қоидалар белгиланди.

Ёки, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида парламент муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун 2010 йил 17 май куни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188²-модда билан тўлдирилиб, кўнгил очиш жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етма-

ган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш юзасидан жойларда прокурорлар томонидан ҳокимликлар, солиқ, ички ишлар ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, уларга ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтирилди, вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўнгил очиш жойларида бўлишларига йўл қўймаслик юзасидан зарур чоралар кўрилиши лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Ўтган даврда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар жараёнида муҳим қадам 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни кучга кирганига ҳам уч йилдан ортиқ вақт ўтди.

Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги ғояларининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган даврда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 64,5 мингта илтимосномалар киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 64 мингтаси судлар томонидан қаноатлантирилган, 534 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримларининг бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг Конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан ҳолислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир.

Шундан буён, оддий қилиб айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши тек-

ширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикояти ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ислоҳотларнинг барча йўналишида қонунлар ижросини назорат қилиш ва бажарилишини таъминлашда прокуратура органлари зиммасига бошқа масъулиятли вазифалар ҳам қўйиб келинмоқда.

Шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори билан тuzилган Ҳукумат ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга Республика Бош прокурори раис этиб тасдиқланди. Ушбу комиссияга вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш вазифалари юклатилди. Бу йўналишда бевосита прокуратура органларининг ташаббуси билан жойларда кенг қамровли ва самарали ишлар қилинмоқда.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги 911-сонли қарори билан тuzилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Авваламбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар кўрилмоқда. Бунда республикада янги иш ўринлари яратиш, тад-

биркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иштирокида республика бўйлаб меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланмоқда. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида дастлабки йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўпроқ фош этилди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолатлар аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этган. Бу тенденция 2009 йилда ҳам давом этиб, аниқланган жиноятлар сони 1291 тага етди.

Кўрилатган чоралар кейинги йилларда аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда фуқароларнинг "қулликка" тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келди.

Бундай жиноятларнинг 2010 йилда 43 фоизга, 2011 йилда эса 21,9 фоизга сезиларли даражада камайганлиги шундан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга ошираётган ишларимизга баҳо берилиб, иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш каби масъулиятли вазифа ҳам прокуратура органлари зиммасига топширилди.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги "Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Бош прокуратура ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилди.

Прокуратура, шу жумладан, департамент органлари томонидан юклатилган масъулиятли вазифаларни тўлиқ бажариш, солиқларни ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолатларини аниқлаш, солиққа оид жиноятлар ва қонунбузилишларининг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳамда давлатга етказилган моддий зарарни ундириш чоралари кўрилди.

Амалга оширилган эътиборли ишлар департамент органлари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни қўйиш учун замин яратди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 28 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 415-сонли Қарорнинг қабул қилиниши бунинг тасдиғи бўлди, дейиш мумкин.

Чунки, Ҳукумат қарорида департамент функцияларига қўшимча равишда валюта соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари юклатилди.

2006 йилнинг 21 апрель куни Президент қарори билан департаментга яна бир ўта масъулиятли вазифа, яъни жиноят орқали топилган даромадни легаллаштириш каби мамлакат иқтисодида жиддий зарар етказадиган жиноятларга қарши кураш вазифаси юклатилди. Шу сабабли департамент тизимларига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Айтиш жоизки, бу тармоқнинг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг давлат бюджетига тўлиқ туширилишини таъминлашга қаратилган тадбирларда хизмати катта бўлмоқда.

Департамент органлари томонидан ташкил этилганидан буён ўтган ўн йил давомида 1 трлн. 370 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 532 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланган.

Валютага оид ҳуқуқбузарликларни фош этиш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида ноқонуний муомалага киритилган 5,5 млн. АҚШ доллари, 7 млн. Россия рубли, 16 млн. Қозоғистон тенгеси ва бошқа валюта қимматликлари олинди.

Умуман олганда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсадлар-

нинг амалга оширилишига эришиш бўйича прокуратура органлари томонидан чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Фаолиятимизда асосий эътибор Конституция нормалари ҳамда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали назоратни таъминлашга қаратилгандир.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичида давлатимиз раҳбари Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида қилган маърузаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, мазкур Концепциянинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлди.

Концепцияга биноан, суднинг янада мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу ислоҳотларнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар мужассамдир.

Яқуний сўз ўрнида шунини таъкидлаш керакки, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди". Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена конституционным основам защиты прав гражданина, интересов общества и государства. В ней осуществлен анализ роли Основного закона в защите прав граждан, интересов общества и государства, а также конституционных основ деятельности органов прокуратуры. Также подробно освещается место органов прокуратуры в системе органов государственной власти и деятельность прокуратуры в сфере защиты прав человека и интересов общества и государства.

Толибжон УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади¹.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида амалга оширилган демократик ислохотлар ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳамда мафкуравий соҳаларини тўлиқ камраб олди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтиб, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги муҳим йўналишларидан бири бу — аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини таъминлашга қаратилган ахборот эркинлигини таъминлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, халқаро даражада ахборот олиш ҳуқуқини мустақамлаш тўғрисида 1945 йил Мехико шаҳрида бўлиб ўтган Америка давлатлари конференциясида АҚШ томонидан “ахборот эркинлиги” шиори ўртага ташланган эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йилги биринчи сессиясида “ахборот эркинлиги тўғрисидаги масала бўйича халқаро конференция чақириш” деб номланган 59(1) резолюцияси қабул қилиниб, унда ахборот ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида унга ҳеч қандай монеликсиз ах-

боротларни тўплаш, жўнатиш ва эълон қилиш имкониятларидан иборат, деб қаралди².

Европанинг бир қатор мамлакатларида матбуот, сўз эркинлиги ҳақидаги ғоялар бирмунча илгари ривожланган. Жумладан, Швецияда 1766 йил “Матбуот ва сўз эркинлиги” тўғрисидаги қонун қабул қилинади. Ушбу қонун 1949 йил 5 апрелда янги тахрирда қабул қилинади. Қонуннинг 2-бобида фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқи мустақамланган.

Индустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтиш қатор телекоммуникацион, трансчегара ахборот тизими, ахборот манбаларига йўл очилиши дунё тараққиётида шахснинг гармоник ривожланиши учун янги, ёрқин имкониятларни яратди.

Сўз ва ахборот эркинлиги демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ҳуқуқ бутун дунёда фуқароларнинг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилади. Ҳар йили 3 май Халқаро сўз ва ахборот эркинлиги куни сифатида нишонланади.

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари орасида ахборотга бўлган ҳуқуқ муҳим ҳисобланиб, амалда бўлган ҳуқуқ тизими бўйича хабардорлик, қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва унга қатъий риоя қилиш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг, сиёсий ва ҳуқуқий институтлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “**Биринчидан**, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак. **Иккинчидан**, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. **Учинчидан**, тайёрланаётган қонунлардан аҳоли ҳам хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур”.

Демак, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, уларнинг жамиятдаги сиёсий

фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг мамлакатда мавжуд қонунчиликни билишига, яъни ахборот билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, миллий конституцияларнинг қабул қилиниши ҳамда шу асосда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида ахборотга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши, ушбу институтнинг конституцияларда мустаҳкамланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида фуқароларнинг ахборотга эга бўлиш ҳуқуқларини кафолатловчи норма мустаҳкамланган. Унга кўра, “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”.

Мазкур конституциявий тамойил асосида жамиятнинг зарур ахборотлардан хабардорлигини таъминлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари ва дастурлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунлар, “2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури” қабилар шулар жумласидандир.

Мазкур дастур замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштиришга, интернетга кириб боришни кенгайтиришга, интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантиришга ҳамда компьютерлаштиришни, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустриясини ва экспортини ривожлантиришни рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шартшароитлар яратишга қаратилди.

Шунингдек, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайди. 1991 йилда Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситалари фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Қайд этилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда инсоннинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар изчиллик билан ва муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Кундалик ҳаётда ахборот у ёки бу нарса ҳақидаги хабар бўлиб майдонга чиқса, илмий ва ҳуқуқий доирада унда ўрганилаётган, сақланаётган, қайта ишланаётган объект тўғрисидаги маълумот сифатида қаралишини ҳамда ахборотга бўлган ҳуқуқнинг ижтимоий ва ҳуқуқий табиятини янада аниқроқ тушунишда “ахборот олишга бўлган ҳуқуқ” муҳим шахсий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади.

Ахборот олишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш механизмнинг мазмуни қуйидаги учта босқичдан, яъни **биринчи босқич** — бу фуқароларнинг ахборот олиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг юзага келиши, таъминланиши ва кафолатланишини белгилаб берадиган тегишли норматив-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги, **иккинчи босқич** — бу ахборот субъектлари ўртасидаги муносабатлар, **учинчи босқич** — бу фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқлари бузулишининг олдини олиш, агар шундай ҳолатлар бўлса, уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ жараёнлардан иборат.

Ахборотга бўлган ҳуқуқ фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Жумладан, фуқароларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчилик аҳволи таҳлил қилинганда, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш ва бошқа давлат идоралари томонидан мазкур қонун талаблари лозим даражада бажарилмаётганлиги, фуқароларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик билан ёндашилиб, уларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилаётганлиги ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол қилинаётганлигини кўрсатди.

Таъкидлаш лозимки, ахборотлаштиришнинг

миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларни, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

— ишончли ва хавфсиз замонавий миллий ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашинувининг электрон шакллариغا изчиллик билан ўтиш;

— мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

— миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан, қишлоқ аҳоли ҳудудларига уларнинг кириб боришини таъминлаш кабилар муҳим ҳисобланади.

Президентимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолаб, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар ҳамда бу борадаги масалаларнинг ечими сифатида қуйидаги қонунларни қабул қилишни таъкидладилар:

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш.

Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган **“Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш.**

“Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилиш.

Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги** ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Президентимиз Ислон Каримов “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади — деб таъкидладилар.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга йўналтирилган фаолиятини изчил изга солиш зарурлиги ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларда фуқароларни ахборот билан таъминлашга оид ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бу борадаги асосий вазифа тегишли давлат идоралари ва мансабдор шахслар эътиборини Конституциянинг 2-моддасида белгиланган “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деган қоидадан келиб чиқиш лозим.

Демак, ўтган давр мобайнида матбуот соҳасидаги ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлди:

— оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол мафқураси асосида шаклланиб, ривожланиб бормоқда;

— мамлакатимиз тарихини ўрганишда миллий кадриятлар, халқимиз урф-одат ва анъаналари, дин ва дин тарихи, буюк аجدодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш;

— миллий таълим-тарбия тизимига оид эшиттиришларнинг кўпайиб бораётганлиги;

— нодавлат теле ва радио студиялар, хусусий ва тижорат-реклама нашрлари қарор топаётгани;

— Жаҳон тилларида эшиттиришлар тайёрлаш ва эфирга узатиш имкониятининг кенгайиши.

Аммо ОАВ фаолиятида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Асосий муаммолардан бири — оммавий ахборот воситаларидаги бир хилликдир. Республикада нашр этилаётган газета ва журналларнинг аниқ ғояси, йўналиши ва умуман, қиёфаси яққол кўзга ташланмаяпти.

Бу муаммони бартараф этиш учун, аввало, нашрларнинг муайян ихтисослашувини эътиборга олиб, ўша соҳа муаммоларини чуқур ўрга-

ниш, таҳлил этиш ва ечимини излаб топишга йўналтирилиши даркор.

Иккинчидан, ҳаётини муаммоларни танлай олиш, мавзуларни ёритишдаги изчиллик, масалага ёндашув ва услубдаги ўзига хослик, яъни услубий ихтисослашишга эътибор қаратиш лозим.

Масалан, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар, чунончи, бошқарув тизими ҳуқуқ ва ваколатлари доирасининг тобора кенгайиб бораётгани, маҳаллий ҳокимликларнинг янгиланиш жараёнида тутган ўрни, иштироки, вазибалари ҳамда камчиликлари қиёсий таҳлил асосида атрофлича ёритилиши мавжуд муаммоларнинг ҳал қилинишига хизмат қилган бўлар эди.

Учинчидан, мамлакатимиздаги ташкилотларнинг интернет тизимида ВЕБ-саҳифалари кўпайиб бормоқда. Ушбу ВЕБ-саҳифаларга мунтазам равишда янгиланган ахборотларни киритиб бориш муҳим ҳисобланади. Яъни ҳар бир ташкилот ўзи ҳақидаги ахборотни тез ва кенг оммага тарқатишда интернет кенг имкониятларга эга. Босма матбуот маълум ҳудудда ахборот билан таъминлаш имкониятига эга бўлса, интернет чегара, ҳудуд танламайди.

Жумладан, Интернет тармоғида ОЎКнинг www.vuk.uz расмий сайти муваффақиятли фаолият кўрсатиб, унда қонунчиликдаги янгилликлар, илмий ишлар таҳлил этилиб, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалалари кўриб чиқилиши, ўқув жараёни сифатини ошириш учун замонавий таълим, илмий ва ахборот технологиялардан юқори даражада фойдаланишни таъминламоқда.

Таъкидлаш лозимки, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш бўйича маънавий-маърифий ишлар

кучайтирилган. Кейинги 3 йил ичида мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунослари, жамоатчилик ва хусусий бизнес вакиллари билан ОЎКнинг тингловчилари ва прокуратура ходимлари ўртасида 145 та учрашув, 180 та ҳудудий анжуманлар ташкил этилган.

Бундан ташқари, илмий ишларни нашр этиш учун ОЎК томонидан тавсия этилган Ахборотномада ўтган икки йил давомида 120 дан ортиқ илмий мақолалар билан бир қаторда, тажрибали амалиётчи ходимлар, мамлакатимиз таниқли олимлари ҳамда етакчи чет эл экспертларининг илмий ишлари нашр этилди.

Бундан ташқари охириги 3,5 йил ичида ОЎК томонидан 40 та малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу малака ошириш курслари доирасида ўтказилган барча конференция, илмий семинар ва давра суҳбатларида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиши таъминланди ва уларда кўрилган масалалар матбуотда мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг мазмуни ва моҳияти уларнинг ижроси ҳамда ижро жараёнида юзага келадиган муаммолар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартини бўлиб, инсон ва фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда уларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу масалаларга доир қонунчилик базасини доимий тарзда мукамал шакллантириб боришимиз ва уларни ижтимоий ҳаётда самарали қўлланилишини таъминлашимиз муҳим ҳисобланади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам обеспечения свободы слова и информации в Республике Узбекистан. Автором освещены международные и национальные нормативно-правовые основы обеспечения свободы слова и информации в стране, а также деятельность органов прокуратуры в данной сфере. Кроме того, в статье осуществляется научно-правовой анализ проблем и путей их решения в сфере обеспечения свободы слова и информации в Республике Узбекистан.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010, 28-бет.

² Колосов Ю.М. Массовая информация и международное право. -М., 1974. -С.117-118.

**Ислом ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимиз прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, бутун мамлакатимиз ҳудудида қонунлар ижросининг бир хил ва аниқ назоратини амалга оширадиган ягона ва хусусиятли орган эканлиги ҳаммага маълум. Унинг хусусиятлилиги шундаки, прокуратура органлари ҳуқуқни қўллашда қонунийлик устидан назоратни амалга оширар экан, уларнинг ўзлари ҳам ҳуқуқни қўллаш субъекти ҳисобланадилар, яъни прокуратуранинг ўзи ҳам барча фаолиятида қонунийликка риоя этишга мажбур.

Прокуратуранинг фаолияти кўп қирралидир: у қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш, жиноятларни тергов қилиш ва жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш, жиноий ишлар бўйича давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқаролик ва хўжалик судларида прокурор иштирокини таъминлашгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади.

Шу ўринда, қонунлар ижроси устидан назоратнинг ўзигина 200 дан ортиқ қонунлар ва 30 дан ортиқ қонунчилик соҳаларини қамраб олишини таъкидлаб ўтиш кифоядир.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ошқоралик — прокуратура фаолиятининг тамойилларидан бири ҳисобланади, яъни прокуратура фаолияти очиқ-ойдинлик ҳамда жамоатчилик билан узвий алоқа ва ҳамкорликда амалга оширилади.

Бу ўз навбатида, прокуратура фаолиятидаги жамоат назорати ва қонунийлик кафолатининг бир шакли ҳисобланади, шу боис, ушбу тамойилга қатъий риоя қилишга муҳим эътибор берилди.

Энди эса, прокуратуранинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигининг мавжуд шаклларига тўхталсак, чунки бу муносабатларда жамоат назоратининг элементлари мавжуд.

Республика Бош прокурорининг буйруқлари-

да прокуратура органларининг жамоатчилик билан ўзаро муносабатларининг шакл ва усуллари белгилаб берилган.

Барча прокурорлар ўз фаолиятида жамоатчилик вакиллари (жамоат тузилмаларининг турли шакллари) билан у ёки бу даражада алоқада бўладилар. Бу ишларни прокуратура раҳбарлари ташкил этадилар. Прокуратураларда жамоатчилик билан амалий алоқаларни таъминлашга бевосита жавоб берадиган махсус бўлинмалар ташкил этилган ёхуд прокуратуранинг муайян ходимлари тайинланган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида қонунчилик тарғиботи билан прокуратура органларининг ишлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига етказиш билан шуғулланиши лозим бўлган ҳуқуқий тарғибот бўлими ташкил этилган.

Жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг турли-туманлигидан қатъи назар, уни амалда юритиш қонунлар ижроси назоратини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 ва 20-моддаларига мувофиқ, прокурорлар зиммасига вазирликлар, давлат қўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлик ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунлар ижросининг назорати, шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятида ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишларида иштирок этиш вазифалари юклатилган.

Прокурорлар ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчиликка мос келмаслик ҳолатларига дуч келадилар ҳамда уларни бекор қилиш ёки қонунчиликка мувофиқлаштириш чораларини кўради-

лар, ҳуқуқбузилиши аниқланган ҳолларда эса, уларнинг содир этилишига кўмаклашган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритадилар. Бунда энг муҳими, киритилган тақдимнома ва протестларни ваколатли органлар ва маҳаллий давлат ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўриб чиқишида прокурор назорати ҳужжатлари киритишни асослаш мақсадида прокурорлар, албатта, иштирок этадилар.

2011 йилда прокуратура органлари томонидан ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан – 28 311 та протест, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш хусусида – 37 070 та тақдимномалар киритилиб, улар меҳнат жамоалари ва назорат субъектларининг ваколатли органларида прокурорлар иштирокида кўриб чиқилди.

Прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалари вакиллик органлари билан муайян ҳамкорлик шакллари, айниқса, прокуратура органлари ходимлари томонидан қўллаб-қувватланаётган оммавий ахборот воситалари билан алоқаларда намоён бўлмоқда.

Прокуратура органлари томонидан оммавий ахборот воситалари билан биргаликда 123 880 та турли тадбирлар, жумладан, жамоатчилик, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан 101 447 та учрашувлар ўтказилди.

Матбуот-конференциялар, брифинглар, давра суҳбатлари, жумладан, таҳририятлар, радио ва телестудиялардаги учрашувлар прокурорлар билан жамоатчилик ўртасидаги алоқаларнинг ўзини оқлаган асосий шакллари ҳисобланади. Ўтган йил прокуратура органлари томонидан уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг турли масалалари бўйича 2820 тага яқин семинар ва 584 та конференциялар ўтказилганлигини таъкидлаш кифоядир. Ушбу тадбирлар прокуратура органлари ишини, шу жумладан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини тўлиқ ёритиш имконини беради.

Қонунлар талабларини аҳолига тушунтириш, прокуратура органлари томонидан ҳуқуқбузилишларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан кўрилаётган чоралар юзасидан прокурорларнинг радио ва телевидение орқали чиқишлари — прокуратура органлари билан жамоатчилик алоқаларининг бошқа шакллари ташкил этади.

Мисол учун, ўтган йил прокуратура органларининг фаолияти натижалари юзасидан 7874 та ахборот босиб чиқарилди, радио орқали 7997 та, телевидениеда 6440 та чиқишлар қилинди. Прокурорлар томонидан даврий матбуотда эълон қилинаётган мақола ва хабарлар ҳам айнан шу масалаларга бағишланди. Республика Бош прокуратураси прокурор ва терговчилар қатори кенг ўқувчилар оммасига ҳам мўлжалланган ҳафталик

«Нуқуқ» газетасини чиқаради. Ушбу газета жамоатчиликни прокуратура ҳаёти ва фаолияти билан таништиради, уларни янги қонунлардан хабардор қилади, муаммоли масалалар юзасидан мақолалар босиб чиқаради ва ўқувчиларнинг саволларига жавоблар беради.

Ҳамкорликнинг ушбу шакли, энг аввало, бутун жамият қатори, ҳуқуқни қўллаш субъекти ҳисобланмиш ҳар бир фуқаронинг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадини кўзлайди. Прокуратуранинг тарғибот ва профилактик фаолият доирасига жалб қилинган ҳолда мамлакатимиз фуқаролари қонунчилик талабларидан хабардор бўладилар, бу эса, ўз навбатида, улар томонидан ҳуқуқбузарлик эҳтимолини камайтириш ва олдини олиш имконини яратади.

Оммавий ахборот воситалари орқали ўзаро ахборот алмашув ҳуқуқни қўллашда прокуратура органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг асосий шакллари билан бири бўлиб қолмоқда.

Телевидение, радио, даврий матбуот ходимлари жамоатчилик вакиллари билан хат ва бошқа муносабатларини қабул қилгач, прокуратура томонидан мавжуд ҳуқуқбузилишларни бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақидаги маълумотлар бўйича расмий сўровларини юборадилар. Прокурорлар оммавий ахборот воситаларига у ёки бу маълумотларни бериш билан бирга, қонунчилик ҳолати ва уни мустаҳкамлаш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида жамоатчиликни хабардор қиладилар.

Ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, айниқса, ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлган қонунбузилиш ҳолатлар бўйича оммавий ахборот воситаларида берилган ахборотлар прокурорларнинг эътиборини тортади.

Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари орқали олинган ахборотлар прокурор назоратининг объектини ва йўналишини аниқлашга имкон яратиб, маълум даражада прокуратуранинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятига таъсир этади.

Шу нарса эътиборга лойиқки, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирувчи фуқаролар ва тадбиркорларнинг ўзлари билан мунтазам учрашувлар каби жамоатчилик билан ҳамкорлик шакллари кейинги йилларда прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай учрашувлар бир вақтнинг ўзида тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли химоячиси сифатида прокурорлик назоратига янгича мазмун ато этади.

Дарҳақиқат, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, банк ва бошқа муассасалар раҳбарлари иштирокида ўтказиладиган шундай учрашувларда тадбиркорларнинг жуда

кўп масалалари ва муаммолари ўз ечимини топади.

Шу ўринда, прокуратура органлари тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлар экан, ўтган йил улар томонидан тадбиркорлар билан 28 829 та учрашув ташкил этилганини таъкидлаб ўтишнинг ўзи kifоядир. Ушбу учрашувларда 6270 дан ортиқ тадбиркорларнинг муаммолари ўз ечимини топган.

Қонунчилик ижросининг турли масалалари бўйича фуқароларнинг бевосита қабулини ташкил этиш ва мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, уларнинг ариза, хат ва шикоятлар билан турли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига эркин мурожаат этиш ҳуқуқларини таъминлаш прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти шаклларида бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролар мурожаатларида маълум қилинадиган инсон ҳуқуқлари бузилиши фактлари прокурор томонидан ҳуқуқни қўллашга асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролар ҳуқуқлари бузилиши аниқланганда тегишли чораларни кўриш зарурати прокурорнинг ҳуқуқи эмас, балки унинг мажбурияти эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу мажбуриятларни бажариш жараёнида прокурорлар томонидан 8825 нафар фуқаро ҳуқуқи ҳимоя қилинганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Фуқаролар мурожаатлари орқали прокурорларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги моҳияти айнан шунда ўз ифодасини топади. Шу боис, прокуратура органларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга жуда катта эътибор берилади.

Ҳозирги шароитда бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтлар, жумладан, Омбудсман институти фаолияти билан ўзаро ҳамкорликсиз ва улардан ажралган ҳолда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини тасаввур қилиш қийин.

Прокуратура органлари томонидан Омбудсман институтига унинг ҳуқуқий мавқеига кўра фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишлари юзасидан ахборот манбаи сифатидагина эмас, балки фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини аниқлаш ва тиклашда энг обрўли ва таъсирчан ҳуқуқий восита сифатида қаралади.

Шунга кўра, прокуратура ва Омбудсман ўртасида азалдан — 2005 йилнинг 25 апрелида, кейинчалик 2008 йилда янги таҳрирда имзоланган Битим бўйича бошқариладиган ҳамкорлик муносабатларининг алоҳида тартиби ўрнатилган. Ушбу ҳужжат, энг аввало, инсон ҳуқуқларининг амалда ва кафолатланган ҳимоясини таъминлашда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш имкониятларини Омбудсман билан бирлаштириш мақсадини кўзлайди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, битим доирасида прокуратура ва Омбудсман ҳамкорлигининг яхши тажрибаси таркиб топди ҳамда ушбу йўналишда, албатта, маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилда Омбудсман мурожаатлари бўйича фуқароларнинг 2064 та шикоят ва аризалари прокуратура органлари томонидан назоратга олинди ва текширилди, айрим муаммолар бўйича қатор конференция ва семинарлар ўтказилди.

Омбудсмандан олинadиган ахборотлар, ўз навбатида, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Омбудсман билан Бош прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда ва ушбу алоқалар бундан кейин ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



АННОТАЦИЯ

Статья о сотрудничестве органов прокуратуры с общественностью в обеспечении эффективности правоприменительной практики. Автором освещены правовые основы деятельности органов прокуратуры в сфере сотрудничества с институтами гражданского общества по обеспечению эффективности правоприменительной практики в Республике Узбекистан.

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, 44-моддасида эса, "ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади", деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар тенг ҳуқуқли бўлиб, бугунги кунда ўзларининг бузилган ҳуқуқларини фуқаролик судлари орқали ҳимоя қилишга ҳам кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўйича алоҳида тўхталиб ўтиб, "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда" - деб таъкидлади.

Шунингдек, давлат раҳбари ўзининг юқорида кайд этилган маърузасида умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилиши, бу ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда ку-

чайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилиши, айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгиллик бўлганлиги, мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкинлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Суд ҳуқуқ-соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда фуқароларни, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашга қаратилганлигини эътироф этиб ўтиш лозим.

Сўзимнинг дилили сифатида 2011 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида қабул қилинган "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарори ва "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги Қарори лойиҳалари қабул қилинганлигини айтиб ўтиш мумкин бўлади.

Мазкур Пленум қарорлари судлар томонидан оила ва мерос ҳуқуқига оид қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда қонуний ва асосланган қарор қабул қилинишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш билан бир пайтда амалиётда учраётган айрим муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 103-моддасида суд харажатларининг турлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир.

Давлат божи — судларга даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза-

лар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек, судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 326-моддасига кўра, давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинadиган мажбурий тўловдир деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарори 2-қисми талабларига кўра, давлат божи ва бошқа мажбурий тўловлар қаторида давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этишлари шартлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги Қарори қабул қилиниб, унга илова қилинган давлат божи ставкалари тасдиқланган.

Ушбу давлат божи ставкаларига қараб, суднинг харажатлари ундирилиши кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, Бош прокуратура томонидан битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида давлат божи ундирилиши фаолияти ўрганиб, умумлаштирилди.

Таҳлилларга кўра, 2011 йилда фуқаролик ишлари бўйича биринчи босқич судларида жами 299943 та фуқаролик ишлари мазмунан кўрилган, шундан 31,5 фоиз фуқаролик ишларига прокурор иштирок этган.

Бўлимда ўтказилган умумлаштиришда битимлар билан боғлиқ 9 223 млн. сўм ундириш ҳақидаги, жами 7 635 та фуқаролик ишлари судлар томонидан мазмунан кўрилган бўлиб, шундан суд қарорларига асосан 6831 та фуқаролик иши бўйича, 2 277,6 млн. сўм ва 11 458 АҚШ доллари миқдоридаги давлат божлари ундирилиши белгиланган ва 3707 та иш бўйича 595,5 млн. сўмлик ёки 26,1 фоиз давлат божлари ҳақиқатда ундирилган.

Умумлаштириш жараёнида судлар томонидан 151 та ҳолатда 228 млн. 701 минг сўм давлат божи кам ундирилганлиги ва 14 та ҳолатда 4 млн 674 минг сўм фуқаролардан ортиқ ундирилган ҳолатлар аниқланиб, судлар томонидан қабул қилинган асоссиз қарорларни қонунга мувофиқлаштириш учун прокуратура органлари томонидан жами 165 та протестлар келтирилиб, шундан 124 таси кассация тартибида келтирилган протестлар бўлса, 41 таси назорат тартибида

протестлар келтирилган.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Қосон туманлараро суди томонидан даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Ўзсаноатқурилиш-банк" ОАТБнинг Муборак филиали манфаатида киритган даъвоси бўйича жавобгар Муборак туман "Комфорт-Люкс савдо" МЧЖ ва бошқалар кредит қарзларни тўлиқ тўлаб берганлиги ва даъвогар ўз даъвосидан воз кечганлиги муносабати билан фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган бўлса-да, жавобгарлардан 2,8 млн. сўм давлат божи ундирилиши белгиланмаган.

Ёки, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг "Халқ банки" Чуст туман филиали манфаатида жавобгар "Звудкандобод Авазбек" хусусий корхонаси ва қўшимча жавобгар Х.Ботиров ва А.Собитжоновларга нисбатан кредит қарздорлигини ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича Чуст туманлараро суди 4,1 млн. сўм давлат божи ундирилишини белгилаш ўрнига жавобгардан 100 минг сўм ундириб, давлат божининг қолган қисмини тўлашдан асоссиз равишда озод қилган.

Айни вақтда, Қорақалпоғистон Республикасида 3 та ҳолатда 2,4 млн. сўмлик, Тошкент шаҳрида 3 та ҳолатда 230 минг сўмлик, Самарқанд вилоятида 2 та ҳолатда 650 минг сўмлик ва Бухоро вилоятида 2 та ҳолатда 135 минг сўмлик, жами 15 та ҳолатда 4,6 млн. сўмлик давлат божлари тарафлардан ортиқча ундирилган.

Масалан, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг ОАТБ "Микрокредитбанк" Риштон филиали манфаатида жавобгар Э.Боймирзаев ва қўшимча жавобгар Д.Боймирзаевларга нисбатан кредит шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш, кредит ва унинг фоизларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгар Э.Боймирзаевдан 1млн. 902 минг сўм кредит ва унинг фоизини ҳамда давлат фойдасига 380,400 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг 1-бўлим "а" кичик бандига кўра, судларга берилadиган даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 40 дан 80 бараваригача бўлганда, даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Мазкур фуқаролик иши бўйича жавобгардан 285,300 сўм давлат божи ундирилиши ўрнига, 380,400 сўм, яъни ҳақиқатда ундириш лозим бўлган суммадан 95,100 сўм кўп ундирилиб, дав-

лат божи суммаси асоссиз равишда кўп ундирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 108-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари бўйича талаб қилинганидан ортиқ бож тўланган бўлса, тўланган давлат божи қисман ёки тўла қайтарилиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йилдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли Қарорига кўра, давлат божини қайтариш ФПКнинг 119 ва Солиқ кодексининг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилиши, бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтариллиши, қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлик миқдорда қайтариллиши лозимлиги, бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтариллиши ҳамда агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлиши кўрсатилган. Шунга кўра, мазкур фуқаролик иши бўйича суд қарорга нисбатан протестлар келтирилган.

Бундан ташқари, суд қарорларининг ижрога қаратиллиши фаолиятида ҳам камчиликлар мавжуд бўлиб, 60 млн. сўмлик давлат божини ундириш ҳақидаги 43 та суд қарорлари қонунда белгиланган муддатларда ижрога юборилмай қолган.

Бунга, Тошкент вилоятида 42,5 млн. сўмлик 24 та, Тошкент шаҳрида 6,5 млн. сўмлик 4 та, Хоразм вилоятида 6,3 млн. сўмлик 12 та ва Фарғона вилоятида 4,8 млн. сўмлик 3 та қарорларни юборишда йўл қўйилганлиги аниқланиб, ушбу қонунбузилиш ҳолати текшириш давомида бар-

тараф қилиниб, суд қарорлари ижрога қаратилган.

Шунингдек, судлар томонидан ундириш белгиланган давлат божларининг 2010 йилда атиги 26,1 фоизи ундирилгани, ҳудудий прокурорлар бу масалага етарли эътибор қаратмаганлигини кўрсатади.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида 539,4 млн. сўмдан 8,7 млн. сўми ёки 1,4 фоизи, Самарқанд вилоятида 31,7 млн. сўмдан 876 минг сўми ёки 2,7 фоизи, Жиззах вилоятида 234,9 млн. сўмдан 9,8 млн. сўми ёки 3,84 фоизи, Хоразм вилоятида 400,9 млн. сўмдан 35,7 млн. сўми ёки 8,7 фоизи ҳамда Андижон вилоятида 5,9 млн. сўмдан 1 млн. сўми ёки 20 фоизи ундирилган.

Баён этилганлар, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тарафлардан давлат божини ундириш, божни тўлашдан озод қилиш, бож миқдорини бўлиб-бўлиб тўлаш ёки уни тўлаш муддатини кечиктириш ҳамда бошқа бож билан боғлиқ ишлар юзасидан қабул қилган ноқонуний ва асоссиз қарорларига қуйи прокурорлар томонидан ўз вақтида муносабат билдирилиши лозим бўлади.

— фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлигини доимий равишда ўрганиб борилишига ҳамда ноқонуний суд қарорларига ўз вақтида муносабат билдирилишига;

— битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан давлат божини қонун асосида белгиланишига;

— судлар томонидан белгиланган давлат божларини ижро бўлимлари томонидан қонунда белгиланган муддатларда ундирилишига;

— прокурор назоратини таъминлаш жараёнида бу турдаги суд қарорларининг ижрога юборилиши ва ижро этилишини судлар ҳамда ижро бўлимлари билан ҳамкорликда таққослаб турилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида кўрсатиб ўтилди.



АННОТАЦИЯ

В статье поднимаются вопросы реформирования гражданского судопроизводства и обеспечения законности в сфере взимания государственной пошлины в гражданских судах. Автором освещены основные направления судебно-правовых реформ гражданского судопроизводства.

Дилбар СУЮНОВА,
Председатель судейской коллегии
по уголовным делам Верховного суда, к.ю.н.

ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

С обретением подлинной независимости Республика Узбекистан встала на путь построения демократического правового государства и справедливого гражданского общества. Для достижения этих целей были четко обозначены конкретные пути перехода от командно-административной системы к рыночной системе отношений, базирующихся на собственности в различных ее формах, их равноправии, неприкосновенности и правовой защите, что очень важно для успешного решения осуществляемых в стране глубоких преобразований.

Переход к рынку неизбежен. Это веление времени, объективная реальность всемирного масштаба. Но рынок — не самоцель, а метод, средство формирования новых ценностей, достижения качественно иного уровня экономики и благосостояния людей¹. В этой связи банковско-кредитной системе Узбекистана отведена особая роль в социально-экономической жизни нашей страны. Поддержка банковской системы, модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий — надежный путь преодоления кризиса и выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке².

В условиях утверждения рыночной экономики банковский кредит объективно необходим. Это обусловлено как действием экономических законов и наличием товарно-денежных отношений, так и проводимой государством политикой, наделенной на поддержку и стимулирование различных секторов экономики. Реализация банковских кредитных ресурсов способствует ускорению развития производства и обращения материальных ценностей, в частности, благодаря ссудному проценту, побуждающему хозяйствующих субъектов экономно расходовать заемные средства, изыскивать внутренние резервы, снижать затраты производства, наращивать свои прибыли.

Как теоретические исследования, так и практика убедительно показывают, что среди гражданско-правовых договоров особое место занимают договоры займа и кредита, обретающих все больший удельный вес в становлении рыночных механизмов нашей экономики. «Одной из самых акту-

альных наших задач, — указывает Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, — является осуществление всех правовых и организационных мер в целях дальнейшего углубления демократических процессов ... Иначе говоря, сегодня мы должны предпринять новые конкретные шаги и поднять на современный уровень практическое воплощение принципа «Справедливость — в верховенстве закона»³. Наш Президент неоднократно указывал и на необходимость соблюдения договорных обязательств и ответственности за их нарушение, что в полной мере относится к договорам займа и кредита, без которых рынок не может существовать и развиваться.

Предоставление денежных средств по кредитному договору осуществляется в рамках кредитной деятельности банка. Кредитная деятельность, выступая разновидностью банковской деятельности, является также структурным элементом последней, через содержание которой только и возможно уяснить сущность кредитной деятельности. Хотя законодатель ввел и широко использует термин «банковская деятельность», легальное определение этого термина все же отсутствует. Естественно, что для раскрытия кредитной деятельности можно обратиться к содержанию родового понятия по отношению как к кредитной, так и банковской деятельности, а именно — предпринимательской деятельности. Однако и в отношении последней законодатель ограничился только качественными, а не содержательными характеристиками. Статья 3 Закона Республики Узбекистан №69-II от 25.05.2000 г. «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» определяет, что «предпринимательская деятельность (предпринимательство) — инициативная деятельность, осуществляемая субъектами предпринимательской деятельности в соответствии с законодательством, направленная на получение дохода (прибыли) на свой риск и под свою имущественную ответственность». Нетрудно заметить, что предпринимательская деятельность раскрывается посредством использования того же термина «деятельность» с указанием на то, что это «инициативная деятельность», «осуществляемая на свой риск» и «направленная на получение прибыли». Сам же тер-

мин «деятельность» оставлен законодателем без внимания.

Можно заключить, что ст. 3 Закона РУз «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности» определяет признаки предпринимательской деятельности, при проявлении которых одновременно в совокупности, мы можем вести речь как о таковой. Следовательно, посредством признаков предпринимательской деятельности можно выявить особенности правового режима банковской деятельности⁴. В частности, можно определить такие режимные требования, как требование государственной регистрации и лицензирования, требование о запрете на занятие производственной, торговой и страховой деятельностью, требование законности осуществления банковской деятельности. Что же касается определения содержательной части категории «банковская деятельность», то из смысла положений специального банковского законодательства последняя раскрывается через категорию «банковская операция». Так, О.М. Олейник говорит, что «о банковской деятельности может идти речь в тех случаях, когда имеет место совершение любого вида перечисленных законодателем банковских операций, как самим банком, так и иными кредитными организациями». Совершение «любого вида», как нам представляется, предполагает многократность осуществления операций, соотносимых с содержанием любой из банковских операций, указанных в Законе «О банках и банковской деятельности», основываясь, в первую очередь, на признаке систематичности деятельности.

Следовательно, можно утверждать, что банковская деятельность представляет собой систему постоянно осуществляемых банковских операций надлежащим субъектом (банком или иной кредитной организацией) на основании лицензии Центрального банка Республики Узбекистан.

Отсутствие законодательного определения банковской деятельности предоставило некоторую свободу в понимании данного термина, общими чертами которой выступают следующие: банковская деятельность является разновидностью предпринимательской деятельности; осуществление банковской деятельности предполагает наличие лицензии. Однако попытки некоторых ученых обозначить границы банковской деятельности приводят к искажению ее правовой сущности.

Банковская деятельность соотносится лишь с осуществлением банковских операций, но не иных сделок кредитной организации, перечень которых приводится в Законе о банках и банковской деятельности.

Ни одна из лицензий Центрального банка Республики Узбекистан (аналогично — Банка России), выдаваемых банку на право осуществления банковских операций, по своему содержанию не ограничивается только тремя указанными операци-

ями. Так, созданному путем учреждения банку может быть выдана лицензия на осуществление банковских операций со средствами в сумах (без права привлечения во вклады денежных средств физических лиц). Данная лицензия включает как три приведенные выше банковские операции, так и ряд других, в частности: осуществление расчетов по поручению юридических лиц, в том числе банков-корреспондентов, по их банковским счетам; инкассацию денежных средств, векселей, платежных и расчетных документов и кассовое обслуживание физических и юридических лиц; выдачу банковских гарантий.

Исходя из изложенного, можно определить кредитную деятельность как систему постоянно осуществляемых банковских кредитных операций (кредитных сделок) надлежащим субъектом (банком или иной кредитной организацией) на основании лицензии Центрального банка Республики Узбекистан. Кредитная деятельность банка не является самостоятельной: существуя в рамках банковской деятельности, в неразрывной связи с другими элементами последней, она отражает только одну сторону деятельности банка, а именно — размещение кредитных ресурсов (денежных средств банка).

В юридической литературе кредитные операции относятся к активным операциям, т.е. тем, в которых банк выступает в качестве кредитора. При этом перечень активных банковских операций, как правило, предлагается шире непосредственно термина «банковская операция» и включает также те операции, которые могут совершаться и другими субъектами права, т.е. не требующие лицензии на их совершение.

Возможность использования денежных средств физических и юридических лиц, находящихся на их банковских счетах, в том числе и для предоставления банковских кредитов, подтверждается ст. 772 ГК РУз, согласно которому «банк может использовать имеющиеся на счете денежные средства клиента», гарантируя право владельца счета беспрепятственно распоряжаться этими средствами, и ч. 1 ст. 781 ГК РУз: «Если иное не предусмотрено договором банковского счета, за пользование денежными средствами, находящимися на счете, банк уплачивает клиенту проценты, сумма которых зачисляется на счет». Учитывая, что субъектом использования денежных средств, находящихся на счетах физических и юридических лиц, выступает банк, можно предположить, что и подобная операция по использованию денежных средств относится к банковским операциям. Но в перечне банковских операций ст. 4 Закона «О банках и банковской деятельности», такая операция отсутствует. Означает ли это, что подобную операцию (использование денежных средств, находящихся на счетах юридических и физических лиц) могут осуществлять и другие субъекты хозяйственного оборота?

Прежде чем использовать такие денежные средства, их необходимо получить, что может быть обеспечено только заключением договора банковского счета, в котором со стороны обслуживающего счет может выступать банк, а также, по прямому указанию ч. 2 ст. 771 ГК РУз, другие кредитные организации. Никаких иных субъектов законодатель не определяет. Вместе с тем денежные средства, поступающие на счета физических и юридических лиц, не следует использовать в значении привлеченных денежных средств. Представляется, что возможность использования поступающих на банковские счета денежных средств, в том числе и в качестве кредитных ресурсов, обеспечивается другими банковскими операциями и входит в содержание термина «ведение счетов физических и юридических лиц». Не попадая в содержание банковской операции по размещению привлеченных денежных средств, использование денежных средств, находящихся на банковских счетах, включается в содержание кредитной деятельности, которую вправе совершать и небанковские кредитные организации. Учитывая правовой режим денежных средств, находящихся на банковских счетах, зачисляемых на основании договора банковского счета, т.е. возможность их использования банком с целью получения прибыли, вызывает возражение законодательная формулировка ч. 1 ст. 781 ГК РУз, позволяющая по соглашению сторон исключить обязанность банка уплачивать проценты за такое использование.

Представляется, что термин «ведение» для операции ч. 1 ст. 4 Закона «О банках и банковской деятельности» охватывает все действия банка, совершаемые в отношении денежных средств, находящихся на банковских счетах, за исключением тех, совершение которых предусматривается иными банковскими операциями, в частности банковской операцией ч. 1 ст. 4 Закона «О банках и банковской деятельности»: открытие и ведение счетов физических и юридических лиц, в том числе банков-корреспондентов, по их банковским счетам.

Обращаясь к термину «кредитная деятельность», можно выделить ее следующие сущностные признаки: 1) кредитная деятельность — разновидность банковской деятельности, выступающая ее составляющим элементом; 2) кредитная деятельность — деятельность, представляющая собой систему постоянно осуществляемых кредитных операций (кредитных сделок); 3) кредитная деятельность — деятельность, связанная с размещением денежных средств банка (независимо от источника их формирования) от своего имени и за свой счет; 4) кредитная деятельность, выступая разновидностью банковской, осуществляется надлежащим субъектом (банком или иной кредитной организацией) на основании лицензии Центрального Банка Республики Узбекистан.

Представляется, что юридическая природа отношения определяется его собственным характером, а не порядком обеспечения реализации контрольных и надзорных функций банка. И если возникшее кредитное обязательство «строится на началах равенства сторон, оно должно быть признано гражданско-правовым, несмотря на административно-правовые методы его защиты».

Большинство правовых категорий, в том числе и кредитная деятельность, могут быть положены в основу исследований, носящих как публично-правовой, так и частноправовой характер. Непосредственно кредитную деятельность можно рассматривать через государственное регулирование, осуществляемое Центральным банком Республики Узбекистан, а значит, исследованию будут подлежать публично-правовые отношения. Чего не скажешь об исследовании кредитной деятельности, соотносимой с предоставлением банковских кредитов. Последнее носит исключительно частноправовой характер, что не означает исключения публичных элементов при выявлении природы банковского кредитования. Это только небольшой пример, подтверждающий недопустимость установления жестких рамок в определении сущности любого правового явления.



АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикасида кредит фаолиятини тавсифлашнинг ҳуқуқий масалаларига бағишланган. Мақолада мамлакатимизда банк-кредит фаолиятини амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, кредит фаолияти атамасининг тушунчаси, соҳага доир бошқа атамаларнинг илмий тарифлари ёритилган.

¹ Каримов И.А. Узбекистан национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1. – Т.: Узбекистан, 1996. – С. 61.

² Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. –Ташкент: Узбекистан, 2011.

³ Каримов И.А. Преданно служить Родине и своему народу – высшее счастье. –Т.: Узбекистан, 2007. – С. 70–71

⁴ Под правовым режимом банковской деятельности следует понимать порядок осуществления такой деятельности и последствия несоблюдения установленных правил.

Катерин ПАТРОНОФФ,
Координатор отдела Международного
Комитета Красного креста

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МККК В СФЕРЕ БОРЬБЫ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ПЫТОК И ОКАЗАНИЯ ПОМОЩИ ПОСТРАДАВШИМ

МККК, который был основан в 1863 году для облегчения страданий людей, испытываемых ими на полях сражения, вскоре начал принимать участие в судьбе лиц, лишённых свободы¹. Исторически сложилось так, что лица, содержащиеся под стражей, явились третьей уязвимой категорией лиц — после раненых и больных, — заботиться о судьбе которых начал МККК.

Основная цель деятельности МККК заключается в обеспечении гуманного и уважающего человеческого достоинство отношения к лицам, содержащимся под стражей. Оказавшись в неволе и один на один с задержавшей его стороной, человек становится совершенно беззащитным. Превратившись из свободного человека в задержанного, он теряет всякие ориентиры и оказывается в новом для себя мире, правила и ценности которого ему совершенно неизвестны. Жизнь в замкнутом пространстве, отсечённом от внешнего мира, способна дегуманизировать личность, лишая её индивидуальности и ответственности. Таким образом, для любого человека, даже морально готового к этому, содержание в заключении означает кардинальное изменение всего жизненного уклада². Эта незащищённость усугубляется в ситуации вооружённого конфликта, когда человек находится в ещё большей изоляции и когда усиливается искушение злоупотреблять использованием силы.

Несмотря на то, что пытки и другие жестокие, бесчеловечные или унижающие достоинство виды обращения и наказания поставлены вне закона, такая практика широко распространена. Последние годы пытки являются предметом широкого обсуждения, особенно в СМИ. Мы являемся свидетелями поползновений сузить понятие пыток, умалчивать о том, что бесчеловечное и унижающее достоинство обращение также поставлено вне закона, оправдывать применение «специальных» методов в некоторых ситуациях — всё это заставляет думать, что фактически, во многих регионах мира защита в этой

области обесценивается.

Какова позиция МККК по вопросу о применении пыток? Позиция МККК очень четкая. Пытки являются неприемлемым и грубейшим нарушением закона в отношении жертв и посягательством на их человеческое достоинство. Пытки запрещены законом, и практика их применения должна быть полностью искоренена. Это не только требование закона. Это, прежде всего, наше глубокое убеждение, основанное на этических представлениях и чувстве гуманности. Никакие причины, будь то политические, экономические, культурные или религиозные, не могут оправдать применение пыток или других форм дурного обращения. Пытки также не могут быть оправданы соображениями национальной безопасности.

Имея более чем столетний опыт посещения задержанных, МККК обладает обширными знаниями о последствиях применения пыток. В последние годы делегаты МККК посетили более 500 тысяч человек в почти 80 странах мира. Каждый день мы становимся свидетелями притеснений и негуманного обращения с тысячами человек, которым наносится физический и психический вред. Иногда вред непоправимый. Непосредственное соприкосновение с людьми, ставшими жертвами пыток, еще больше укрепило нашу решимость в борьбе с этим злом.

Необходимо также помнить о том, что пытки и другие формы жестокого, негуманного и дурного обращения несут в себе разрушительное начало, которое может породить негативные социальные процессы в обществе. И, помимо этого, пытки представляют собой грубое нарушение международного гуманитарного права и международного права прав человека.

Определения. Международное право полностью запрещает пытки и другие акты жестокого, бесчеловечного или унижающего достоинство обращения и наказания³. Аналогичным образом, международное гуманитарное право про-

возглашает, в частности, что лица, которые перестали принимать участие в военных действиях, должны при всех обстоятельствах пользоваться гуманным обращением⁴. Статья 3, общая для Женевских конвенций, применимых к вооружённым конфликтам немеждународного характера, подтверждает то же самое и предусматривает, что не только «жестокое обращение, пытки», но и «посягательство на человеческое достоинство», а также унижающее достоинство обращение запрещаются всегда и всюду⁵. Пытки и акты жестокого, бесчеловечного и унижающего достоинство обращения отнесены к международным преступлениям, а лица, совершающие их, должны подвергаться уголовному преследованию или выдаче⁶.

Определение понятие «пытки», данное в Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, получило широкое признание. В Статье 1 Конвенции дано следующее определение понятия «пытка»: *«пытка» означает любое действие, которым какому-либо лицу умышленно причиняется сильная боль или страдание, физическое или нравственное, чтобы получить от него или от третьего лица сведения или признания, наказать его за действие, которое совершило оно или третье лицо или в совершении которого оно подозревается, а также запугать или принудить его или третье лицо, или по любой причине, основанной на дискриминации любого характера, когда такая боль или страдание причиняются государственным должностным лицом или иным лицом, выступающим в официальном качестве, или по их подстрекательству, или с их ведома или молчаливого согласия. В это определение не включаются боль или страдания, которые возникают лишь в результате законных санкций, неотделимы от этих санкций или вызываются ими случайно.*

Статьёй 16 этой конвенции, так же как и Женевскими конвенциями и Дополнительными протоколами к ним, запрещаются также «другие акты жестокого, бесчеловечного или унижающего достоинство обращения и наказания». Однако в этих документах нет определения ни одного из этих понятий. С другой стороны, судебная практика Международных трибуналов для бывшей Югославии и для Руанды, Римский статут международного уголовного суда (1998 г.), а также элементы военных преступлений, установленные в соответствии с этим Статутом, дают некоторые определения⁷. Эти определения соответствуют определениям, разработанным различными структурами, созданными договорами в области прав человека, региональными трибуналами и национальными юрисдикциями.

В пытках и других видах жестокого обраще-

ния всегда присутствуют два неразрывно связанных эффекта — физический и психологический. По свидетельству большинства жертв, психологическая травма значительно болезненнее чем физическая⁸. Причём ее, несомненно, труднее обнаружить, и тем более — измерить. Так, например, видеть, как подвергают пыткам твоих любимых или твоих детей, и даже постороннего человека, может быть несравненно мучительнее, чем подвергаться пыткам самому. Неправильно считать, что если нет физических последствий, то не было и пытки.

У МККК нет желания втягиваться в юридические дискуссии или теоретические споры (например, о том, в какой степени испытываемые мучения являются результатом «законного» или «приемлемого» принуждения). Он предпочитает обсуждать методы обращения и условия содержания под стражей по существу. С точки зрения МККК, не так уж важно, называется ли данное действие пыткой или другой формой жестокого обращения; важно вообще положить конец этой практике, причиняющей мучения лицам, содержащимся под стражей, независимо от каких-либо дефиниций. Поэтому МККК описывает языком фактов, что произошло, с кем, при каких обстоятельствах, кто за это отвечает и, главное, каковы последствия этого для жертв. Термину «пытки» или другой качественной характеристике обращения МККК предпочитает, как правило, универсальный термин «жестокое обращение», который не имеет точного правового определения, но покрывает все виды физического и психологического принуждения, применяемые против лиц, содержащихся под стражей⁹.

Становится ли практика применения пыток менее распространенной? Каковы ваши наблюдения? К сожалению, нет. Такая практика очень широко распространена. В мире нет сегодня такой страны и нет такого общества, в которых в той или иной форме не существовала практика применения пыток. В некоторых случаях речь может идти о единичном случае применения пыток в полицейском участке или в тюрьме, а в других — о систематической практике. Тем не менее, вне зависимости от формы, в которую это облечено, применение пыток вызывает серьезную озабоченность МККК.

Очень сложно привести цифры, которые бы позволяли составить полное представление о масштабах данного явления. Однако в 2009 году МККК опубликовал результаты исследования, проведенного в восьми странах, которые в наибольшей степени пострадали в результате вооруженных конфликтов и внутренних беспорядков — Афганистане, Колумбии, Демократической Республике Конго, Грузии, Гаити, Ливане, Либерии и Филиппинах. Цель этого исследования зак-

лючалась в том, чтобы выявить последствия таких ситуаций для мирных жителей. Из тех респондентов, которым довелось пережить ситуации вооруженного насилия, 17% сказали о том, что они подвергались пыткам. Мы не можем обобщать полученные сведения, но они дают представление о масштабах применения пыток в периоды вооруженных конфликтов.

Каковы основные приоритеты в деятельности МККК по оказанию помощи пострадавшим от пыток и других форм дурного обращения? Борьба с практикой применения пыток является приоритетом для МККК. Мы недавно завершили ревизию Политики МККК в отношении пыток, а также жестокого, негуманного и дурного обращения в отношении лиц, содержащихся под стражей. В этом документе еще раз подтверждается приверженность МККК борьбе с этим злом, обобщается практика, наработанная в последние годы, и предлагаются новые подходы к работе.

Цель МККК заключается в том, чтобы обеспечить защиту и оказать помощь жертвам дурного обращения и их семьям. Именно на это направлены наши усилия.

Новая инициатива МККК, осуществляемая в партнерстве с другими организациями, заключается в реабилитации жертв пыток и других форм дурного обращения. Помимо этого, МККК предоставляет поддержку национальным властям с целью помочь им улучшить методы обращения с задержанными. Организация также всемерно содействует созданию и развитию правовой, ведомственной и этической базы, которая могла бы способствовать предотвращению практики применения пыток. Такие усилия предпринимаются на местном, национальном, региональном и международном уровнях.

Какие практические меры предпринимает МККК для оказания помощи жертвам?

В основе работы МККК лежит посещение лиц, содержащихся под стражей, для оценки условий их содержания и обращения с ними.

Мы знаем, что люди сталкиваются с наибольшим риском оказаться жертвой пыток и других форм дурного обращения непосредственно после ареста, а также в последующие дни. По этой причине цель посещений учреждений содержания под стражей заключается в том, чтобы обеспечить защиту заключенных. Безусловно, одного лишь присутствия делегатов МККК не всегда достаточно, чтобы пресечь дурное обращение. Однако люди, содержащиеся под стражей, часто говорят о том, что посещения делегатов МККК приносят им хотя бы временное облегчение.

Аввал айтиб ўтилганидек, корхонада ижтимоий шерикчилик муносабатларини амалга оширган ҳолда жамоа музокараларини олиб бориш, жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ташкилотни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш ва меҳнат низоларини кўриб чиқишда бирламчи касаба уюшмаси ташкилоти, унинг органи (касаба уюшмаси кўмитаси) (МК 21-моддаси), ходимлар томонидан сайланувчи бошқа вакиллик органлари амалга оширадilar. Жамоа келишувларни тузиш учун уч томонлама комиссияларнинг шаклланишида эса, жамоа музокараларни ўтказишда ва тегишли жамоа келишувларни қабул қилишда — ижтимоий шерикчиликнинг турли даражасидаги тегишли касаба уюшмалари ва уларнинг вакиллари (Меҳнат кодексининг 29-моддаси).

Иш берувчилар ходимлар вакиллик органларининг корхонада фаолият юритишлари учун зарур шароитларни яратиб бериши, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, қонуний талабларини сўзсиз бажаришлари шарт. Ташкилотда бирламчи касаба уюшмаси ташкилотининг мавжуд бўлмаган ёки ходимларнинг ярмидан камини бирлаштирган ҳолларда ходимлар умумий мажлисда уларнинг манфаатларини касаба уюшмасига ёки вакиллик органига ифода этишларини топширишлари мумкин. Бошқаларнинг мавжудлиги касаба уюшмаси ваколатларининг амалга ошишига тўсқинлик бўла олмайди.

Меҳнат қонунлари ходимлар вакиллик органлари фаолиятида асосий меҳнат вазифасидан озод этилгани ҳолда ёки кундалик меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилмаган тарзда иш олиб борувчи ходимлар учун қўшимча ҳуқуқий кафолатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 25-моддасида айтилишича, «Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон-бир шаклдаги таъқиб қилинишдан ҳимоя этиш кафолатланади. Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, маҳаллий меҳнат органининг олдиндан ро-

зилигини олмай туриб, бекор қилишга йўл қўйилмайди».

Иш берувчиларнинг вакиллик органларининг ижтимоий шерикчилик ҳуқуқий муносабатлардаги мақоми ушбу жамоат бирлашмаларини таъсис этишга оид ҳужжатларда, уларнинг уставлари (Низомлари)да белгилаб қўйилади. Ҳозирги пайтда халқ хўжалиги тармоқлари, иқтисодиёт соҳасига оид корхоналарни бирлаштирувчи кўплаб ассоциациялар, корпорациялар, уюшмалар ва ҳақозолар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Иш берувчиларнинг вакиллик органлари ходимлар, уларнинг вакиллик органлари, давлат ва жамоат органлари билан иш берувчилар номидан музокаралар олиб боради. Бунда иш берувчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Иш берувчининг вакиллик органи зиммасига юклатилган асосий вазифалари Меҳнат кодексининг 28-моддасида баён этилган.

Жамоа музокараларини ўтказишда, жамоа шартномасини тузишда, унга ўзгартириш киритишда иш берувчиларнинг вакиллари бўлиб ташкилот раҳбари ёки уларнинг вакил қилинган шахслари ҳисобланадилар. Ижтимоий-шерикчилик келишувларини тузишда ёки ўзгартиришда иш берувчининг манфаатларини иш берувчиларнинг тегишли уюшмаси намоён этади (Меҳнат кодексининг 47-50-моддалари). Маълумки, томонларнинг меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш жараёнидаги ҳуқуқий мақоми, биринчи навбатда, уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар комплекси билан белгиланади. Иш берувчи, одатда, жамоа шартномаси, келишуви томони сифатида жамоа-шартномавий тартибга солиш ҳуқуқига эга бўлиб, жамоа музокараларини олиб бориш масъулиятини ўз зиммасига олади: ходимларнинг вакиллари талабига кўра жамоа музокараларига киришиш, жамоа музокараларини олиб бориш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш, ходимлар вакилларига қонунда назарда тутилган кафолатларни бериш.

Улар томонидан ижтимоий шерикчилик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа таркибий тузилмаларда иш берувчиларнинг манфаатлари, уларнинг хўжалик ва меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари ҳимоясининг намоён этилиши орқали амалга оширилади.

Ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш жараёнида иш берувчиларнинг икки хил даражалик вакиллигини кўришимиз мумкин. Биринчи даражада — корхона меҳнат жамоаси, ходимлар вакиллик органлари, ўзгартириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларда; иккинчи даражада — корхонадан ташқари — тармок, ҳудуд

доирасида — ходимлар вакиллик органлари (касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) билан иқтисодий — меҳнат масалалари юзасидан пайдо бўладиган муносабатлар (жамоа келишувларини тузиш, ўзгартириш ва ижро этиш билан боғлиқ).

Жамоа шартномаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат чоралари қаторига ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари минимумини қонуний мустаҳкамланиши ва ижтимоий шерик сифатида иштирок этишини киритиш мумкин. Кафолатларнинг давлат даражаси музокаралар ўтказиш учун асос ҳисобланади. Ходимлар учун давлат томонидан ўрнатилган кафолатларнинг мавжуд бўлиши, уларнинг жамоа-шартномавий ҳужжатларида амалга оширилиши учун рағбат сифатида кўриб чиқилади. Давлат ижтимоий шерикчилик муносабатларига ижтимоий шерик сифатида алоҳида мақомга эга бўлмасдан киришади. Келишув тузиш соҳасида унинг асосий вазифаси бошқа соҳалардаги фаолиятдек, жамият манфаатларини намоён этиши ва ҳимоя қилишидир. Давлат ижтимоий шерик ролини бажаради, лекин бу алоҳида турдаги ижтимоий шерикчилик ҳисобланади.

Жамоа-шартномавий жараёнда давлат ўз ижроия ҳокимияти органлари билан иштирок этади, булар — Ҳукумат, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирлиги, ҳудудий давлат ижроия ҳокимият органларидир.

Меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчилик деярли янги йўналиш бўлиб, меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солишда давлат, ходимлар вакиллик органлари сифатидаги касаба уюшмаларининг ҳуқуқий фаолияти, иш берувчиларнинг вакиллик органининг ҳуқуқий ҳолати, жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари ижтимоий шерикчилик механизми сифатида, жамоа музокараларини олиб бориш тартиби, шунингдек, жамоа-шартномавий актларни тузиш ва ижроси юзасидан пайдо бўладиган жамоа меҳнат низоларини ҳал этиш масалаларини тартибга солади.

Демак, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикчиликнинг аҳамияти касаба уюшмаларининг давлат билан ўзаро алоқаларини такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш каби ғоят муҳим вазифани бажаришда намоён бўлади.



АННОТАЦИЯ

Статья о некоторых вопросах социального товарищества в трудовых правоотношениях. В статье рассматривается национальная нормативно-правовая база, анализируется текущая ситуация в данной сфере и определяются пути дальнейшего развития. Также рассматривается деятельность государственных органов в сфере социального товарищества.

¹ И.Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Т.Ўзбекистон. 2010

² Советское трудовое право. Учебник для ВУЗов. Под ред. проф. В.С.Андреева, проф. В.Н. Толкуновой. М.: Высшая школа. 1987г.

Расул МАТХАЛИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма прокурори

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИШДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИК БУЗИЛИШ ҲОЛЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Прокурор томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиши устидан назоратни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш мустақил ва анча мураккаб вазифа ҳисобланади¹. Бу вазифа исботлашнинг барча босқичларида (далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш) далилларнинг тегишлилиги, ишончилиги ва уларга йўл қўйилишини таъминлаш билан боғлиқ.

Далиллар ва уларни тўплаш усуллариининг моҳиятини тушунган², қонунчиликдаги охириги ўзгартишлар, процессуал исботлашнинг энг мураккаб муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг амалиёти, назорат ва тергов амалиётини билган тақдирдагина ушбу вазифа муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Дастлабки терговни олиб боришда энг кўп учрайдиган хатоларнинг таҳлили кўрсатганидек, терговнинг камчиликлари асосан қуйидагилардан иборат:

— ўз вақтида жиноят иши қўзғатилмаганлиги, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилмаганлиги, бошқа кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасининг иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиш ҳақидаги талабларига риоя қилинмаганлиги, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси илтимосномалари мутлақо оқланмайдиган тарзда эътиборсиз қолдирилганлиги;

— далиллар билан боғлиқ ахборотнинг айниқса, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича қарама-қаршилиги ва кўпинча етарли эмаслигини судда тўлдириб бўлмаглиги, бу эса судда судланувчиларнинг айбдорлигига шубҳа, жиноят иштирокчилари ҳар бирининг ролини тушунишда эса қийинчиликлар туғдирганлиги;

— тергов эксперименти, ҳодиса жойини қўшимча равишда кўздан кечиришни, тинтувни, ашёларни олиб қўйишни, таниб олишни, гувоҳ ва айбланувчига кўрсатилган маълумотларни хабар қилган шахсларни сўроқ қилишни ўтказишни, сўроқларни ва бошқа тергов ҳаракатларини видеоёзув ва ҳ.к. ёрдамида қайд қилиш йўли билан топилган далилларни мустаҳкамлаш бўйича барча чора-тадбирлар терговчилар томонидан қабул қилинмаганлиги, бунинг натижасида эса айбланувчилар ва гувоҳларнинг (ҳодиса жойи ҳолати тафсилотлари, жиноятни содир этиш усули ва қуроллари, жабрланувчи ва жиноятчининг ташқи кўриниши ва хулқи, фақат гувоҳга ва жиноятчига маълум бўлиши мумкин бўлган, тергов қилинаётган жиноятдан олдин ва у билан боғлиқ муайян ҳолатлар юзасидан) олдин берган кўрсатувларидан

воз кечганлиги;

— далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тан олинисига сабаб бўладиган гумон қилинувчи ва айбланувчининг конституциявий ва процессуал ҳуқуқлари, шу жумладан, ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик кўрсатувлари бермаслик ҳуқуқи бузилиши, тергов ҳаракатларини олиб бориш тартиби бузилиши ва бошқа процессуал камчиликлар. Кўпинча далиллар суд муҳокамасидан чиқарилиб ташланади, чунки айбланувчининг яқин қариндошлари сўроқлари уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси, яъни улар гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлигини тушунтирмасдан ўтказилган. Айбланувчи эса гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, яъни унинг жиноят ишини қўзғатиш босқичида ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги сабабли у ўзига қарши кўрсатувлар берган.

Айрим ҳолларда далиллар тергов ҳаракатларини олиб боришда иштирок этиши шарт бўлган ҳолислар жалб қилинмаганлиги ёки иш якунидан манфаатдор бўлган шахслар, шу жумладан, келгусида гувоҳ бўладиган шахслар ҳолислар сифатида жалб қилинганлиги сабабли:

— жиноятчини таниб олиш учун кўрсатиш қоидаларига риоя қилинмаганлиги;

— далиллар ваколати бўлмаган шахс томонидан тўпланганлиги учун чиқариб ташланган.

Қотилликлар ва бошқа оғир турдаги жиноятларни ўрганиш натижалари кўрсатганидек, жаҳон амалиётидаги “заҳарланган дарахт мевалари ҳақида”ги машҳур қоидасига тергов амалиётида барҳам берилмаган. Масалан, Б. ва бошқалар иши бўйича ҳодиса жойи кўздан кечирилганида айблов тахминига кўра, жабрланувчи бўғиб ўлдирилган сим олиб қўйилган. Аммо бу сим ўраб муҳрлаб қўйилмаганлиги учун келгусида олинган далиллар — симни ашёвий далил сифатида кўздан кечириш баённомаси ва экспертнинг уни текшириб чиқиш тўғрисидаги хулосаси судья томонидан иш муҳокамасининг дастлабки эшитувида чиқариб ташланган эди.³

Шу муносабат билан Б.Н. Комлевнинг далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслигига олиб келадиган терговнинг энг типик хатоларни ўрганиш натижалари қизиқш уйғотади⁴. Уларнинг сирасига муаллиф қуйидагиларни киритади:

— сўроқ қилиш жойини тактик жиҳатдан нотўғри белгилаш. Гувоҳнинг турган жойида сўроқ истисно ҳолларда ўтказилади (касаллик, қарилик ёши, ногиронлик ҳола-

ти ва ҳ.к.). Гувоҳнинг ва жабрланувчининг улар турган жойда, хусусан яшаш жойида сўроқ қилиниши баъзан айбланувчининг, унинг ҳимоячисининг, гувоҳнинг терговчини у иш якунидан манфаатдор бўлганлиги учун рад қилиш тўғрисидаги аризасига сабаб бўлади;

— гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг ишдан ташқари вақтда сўроқ қилиш керакли кўрсатувлар олиш мақсадида руҳий тазийқ кўрсатиш тўғрисидаги аризаларга сабаб бўлади. Қоида тарикасида, ушбу вазиятда аризачиларнинг важларини рад қилиш анча мураккаб бўлади;

— айнан бир иш бўйича гувоҳлар ўзаро алоқада бўлмаслиги ҳақидаги талабларга риоя қилмаслик. Гувоҳларнинг ўзаро алоқада бўлишидан айбланувчи ва унинг ҳимоячиси гувоҳ бошқа шахслардан ахборот олганлиги ва кимдан олганлигини эслаш олмаслигини таъкидлаши учун асос сифатида фойдаланиш мумкин ёки гувоҳнинг ўзи илгари янглишгани ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатувлар берганлигини таъкидлай бошлайди;

— кўрсатувлар сўзма-сўз ёзилмайди, биринчи шахс номидан эмас, учинчи шахс номидан ёзилади. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси келгусида ушбу қоидабузарликлардан кўрсатувлар учинчи шахс номидан ёзилганлиги, кўрсатувлар мазмуни нотўғри талқин қилинганлиги тўғрисидаги аризалар учун фойдаланади. Бундай важларни рад қилиш имконияти йўқлиги кўрсатувларни исботлаш жараёнидан чиқариб ташлашга олиб келади;

— сўроқ қилиш баённомасидаги матн турли дастхат ва сиёҳлар билан ёзилганлиги;

— баённомаларда сўроқ қилинган шахс ўз ривожланиш даражасига мувофиқ ишлата олмайдиган нутқ иборалари қўлланилганлиги;

— қўп ҳолларда тергов ҳаракати ўтказилган сана, вақт ва жой, уни ўтказган шахснинг фамилияси ва лавозими, сўроқ қилинган шахснинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилмайди, сўроқ қилинган шахс, таржимоннинг имзолари баённоманинг ҳар бир варағида ва терговчининг имзоси сўроқ қилиш баённомаси охирида бўлмайди⁵.

Кўпинча фактик маълумотлар лозим даражадаги исботлаш воситаларидан фойдаланилмаганлиги сабабли чиқариб ташланади.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, жиноят процессида қўйидаги вазият вужудга келган: бир томондан, сўроқ қилишда кўрсатувларни текшириш мақсадида ашёвий далиллар, бошқа материаллар ва ҳужжатлар кўрсатилиши мумкин, иккинчи томондан эса, ЖПКнинг 129-моддасида ушбу объектни кўрсатиш эҳтимоли ҳақида айтилган. Шундай қилиб, қонунда бир вақтнинг ўзиде иккита тартиб амал қилади — процессуал тарзда жиноятчини таниб олиш ва сўроқ қилиш жараёнида библи олиш. Бу эса, ЖПКда у ёки бу исботлаш воситасини муайян тергов вазиятида қўллаш мумкинлиги ҳақидаги масала тартибга солинмаганлиги оқибатида амалиётда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Таниб олиш учун кўрсатишга доир процессуал асосларни қонунчиликда қатъийроқ тартибга солиш орқали вужудга келган ҳолатдан чиқса бўлади. Қонунда терговчининг зарур ҳолларда таниб олишни ўтказиш ҳуқуқини эмас, балки мажбуриятини мустаҳкамлаб қўйиш таклиф қилинади. ЖПК нормаларида гувоҳлар, жабрланувчилар, айбланувчи ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш тартибини, сўроқ қилиш жа-

раёнида айрим объектларни, хусусан, тергов ҳаракатлари баённомаларини ва уларга доир иловаларни, бошқа расмлар, чизмалар ҳамда ҳужжатларни таниб олиш учун кўрсатиш қоидаларини мустаҳкамлаб қўйиш ҳам муаммо ечимига кўмаклашарди.

Аммо амалиётда далиллардан фойдаланишга йўл қўйилиши талаблари кучайиб бориши тенденцияларини ҳисобга олиб, биз бундай вазиятларда таниб олишни ЖПКнинг 130-моддаси қоидалари бўйича амалга оширишни тавсия қиламиз.

Жиноятларни тергов қилиш амалиётида узоқ вақт мобайнида назарияда “кўрсатувларни жойда текшириш” деб аталадиган исботлаш воситаси сифатида тергов қилинаётган жиноят билан боғлиқ ҳодисалар юз берган жойга айбланувчи (гумон қилинувчи, гувоҳ, жабрланувчи) билан чиққан ҳолда тергов ҳаракатидан фойдаланиб келинади. Ҳақиқатан, ўзининг ўрганиш табиатига кўра ўзига хос ҳисобланган ва сўроқ қилиш, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса ва тергов эксперименти жойида текшириш усулларини ўзида мужассам этган ҳаракатдан айрим тоифадаги (қотиллик, босқинчилик, ўғрилик, номусига тегиш) ишларни тергов қилишда фаол фойдаланилади.⁶

Кўриб чиқилаётган муаммо доирасида таъкидлаш жоизки, суд экспертизаларининг гоят катта ўрганиш салоҳиятига қарамаздан, уларнинг услубий асосланганлиги муайян шубҳа туғдирадиганларидан исботлашда фойдаланиш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз.

Масалан, Е.В. Никитина⁷ исботлашда фойдаланишга йўл қўйиш мумкинлигини маъқуллайдиган «полиграфик экспертиза»⁸ шундайлардан биридир. Назаримизда, ҳар қандай экспертиза тадқиқотларининг усуллари амалиётга жорий қилинган илмий асосланган қоидаларга таяниши зарур. Натижалари субъектив талқинни назарда тутадиган полиграфик тадқиқотлар усулларига нисбатан буни айтиш мумкин эмас⁹.

Кўрсатилган сабабга асосан биз А.А.Леви, Н.М.Кипнисларнинг¹⁰ полиграфик экспертизалардан кўрсатувларни текшириб чиқишда исботлаш воситаси сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик ҳақидаги фикрларига қўшиламиз.

Шу билан бирга, сўроқ қилишда сўроқ қилинаётганнинг розилиги билан терговчида сўроқ қилинаётган шахснинг хусусиятлари, унга хос хулқ белгилари каби жиҳатлар ҳақида таассурот шакллантиришга йўналтирувчи ахборот олиш мақсадида полиграфни процессуал ҳисобланмаган қўллаш имкониятини назарда тутамиз.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилган жиноят ишлари материаллари бўйича ўтказилган тадқиқотимизга биноан, йўл қўйилмайдиган далилларни чиқариб ташлаш амалиёти қўйидаги қоидабузарликларга кўра барқарор тусга эга бўлмоқда:

1. Лозим даражадаги бўлмаган исботлаш воситаларидан фойдаланиш:

— тинтув баённомаси ўрнига олиб қўйиш баённомаси расмийлаштирилган;

— олиб қўйиш баённомаси ўрнига ихтиёрий топшириш баённомаси расмийлаштирилган;

— Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 141-моддаси тартибиде айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ иштирокида кўздан кечириш баённомалари ёки тергов экспе-

рименти баённомалари ўрнига кўрсатувларни ҳодиса рўй берган жойда текшириш баённомалари расмийлаштирилган;

— Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 147-моддаси тартибида гувоҳлантириш баённомаси ўрнига айбланувчилар, гумон қилнувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларни кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги тиббий маълумотномалар расмийлаштирилган;

— Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддаси тартибида айбланувчи томонидан ўз кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиш ўрнига ўз айбига иқрор бўлиш расмийлаштирилган.

2. Далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини эътироф этишга сабаб бўлган, тергов ҳаракатларини олиб бориш тартиби ва шартларининг ўзига хос бузилишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— жиноят ишини қўзғатмасдан дастлабки тергов олиб бориш (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 321, 325-моддалари);

— жиноят иши тугатилган, тўхтатилган ёки прокурорга айблов ҳулосаси билан юборилганидан кейин тергов ҳаракатлари олиб бориш (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-2370, 379, 380-моддалари);

— тегишли тергов ҳаракатларига прокурор санкцияси йўқлиги ёки тергов органларига санкциясиз тергов ҳаракатларини ўтказиш ва кейинчалик прокурорни хабардор қилиш имконини берадиган кечиктириб бўлмаслик ҳолатининг йўқлиги (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382, 383-моддалари);

— таниб олувчига таниб олишдан олдин таниб оли-

нувчини ёки унинг фотосуратини кўрсатиш; таниб олиш чоғида ташқи кўриниши таниб олинувчига ўхшайдиган статистлардан фойдаланиш (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 127-моддаси) ёки таниб олиш тартиботини таниб олинувчи фотосуратини сўроқ қилиш вақтида кўрсатиш билан алмаштириб қўйиш;

— тергов ҳаракати баённомасида баённома тузувчи айтмаган ва тергов ҳаракати барча иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланмаган ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90-93-моддалари);

— тергов ҳаракатларини ўтказишда прокуратура девонхонаси ходимларини тергов ҳаракатида иштирок этишга жалб қилиш йўли билан ифодаланган ҳолислар иштирок этиши қоидалари бузилиши (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 73-моддаси).¹¹

Ушбу рўйхат далиллар тизимидан тергов ҳаракатлари баённомаларини чиқариб ташлашга сабаб бўлган жиноят-процессуал қонунчилик бузилишининг барча ҳолларини ўз ичига олмаган, лекин судлар томонидан далиллардан фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлашга нисбатан қўйиладиган талаблар кучайиб бориши умумий тенденцияси ҳақида тасаввур беради. Ушбу ҳолат терговчиларни қонунда назарда тутилган ва тергов ҳаракатларини ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайд қилиш тартибининг белгиловчи тартиботга сўзсиз риоя қилишга йўналтириши керак.

Йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш масаласи дастлабки тергов босқичидаёқ долзарб ҳисобланади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам предотвращения нарушений уголовно-процессуального законодательства во время осуществления предварительного следствия. В статье проводится научно-правовой анализ наиболее часто встречающихся ошибок и нарушений уголовно-процессуального законодательства во время предварительного следствия. Приводятся ряд практических примеров и статистических данных.

¹ Қаранг: Алимов Ф.Х. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан прокурор назоратини амалга оширишда қандай муаммолар бор // Ҳуқуқ-Право-Law, 2003. -№3. -Б. 33-34; Саидов Б.А. Дастлабки терговда шахсининг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши: Юрид. фанлари номзоди ...дисс. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

² Қаранг: Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Дисс. ... канд.юрид.наук. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2002; Иномжонов Ш.Х. Далил — ибодат қилиш воситасидир // Давлат ва ҳуқуқ, 2004. -№3. -Б. 59-60.

³ Қашқадарё вилоят судининг архив иши №1-57, 2007 йил.

⁴ Қаранг: Комлев Б. Нарушения закона, влекущие исключение наказаний свидетеля, потерпевшего из процесса доказывания / Законность, 1997. -№12. -С. 16. Россия олим Б.Н.Комелев томонидан 10 йил илгари тадқиқ қилган терговда учрайдиган ўзига хос ҳатолар ҳозирги вақтда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат, 2000. -Б. 205-206.

⁶ Қаранг, масалан: Баканова Л.П., Пулатов Ю.С., Худяков А.В. Актуальные проблемы криминалистики (становление и перспективы развития). -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2006. -С. 44-50; Нарбаев А.Н., Закутский А.С. Методика расследования отдельных (видов) категорий преступлений. -Т.: ТПЮИ, 2006. -С. 4-33; Мирзозов Д.М. Проблемы совершенствования проверки показаний на месте

события по уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан: Автореф.дисс. канд.юрид.наук. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2004; Чаднова И.В. К вопросу о системе следственных действий // Юридическая наука Сибири. -Кемерово: Кузбассвузиздат, 1997. -С. 231.

⁷ Қаранг: Никитина Е.В. Проблемы совершенствования средств доказывания: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. -Екатеринбург: УГУ, 1994. -С. 20.

⁸ Бундай тадқиқот асосини махсус асбоб-полиграф (ёлфон детектор)дан фойдаланиш ташкил қилади.

⁹ Қаранг, масалан: Пулатов Ю.С. Об организационно-правовых проблемах применения полиграфа в Узбекистане // Полиграф на службе органов внутренних дел: Материалы международной конференции. -М.: ВНИИ МВД РФ, 2005. -С. 33-36; Леви А.А. Объективизация доказывания на предварительном расследовании как одно из средств обеспечения прав и законных интересов его участников (Участники уголовного процесса и прокурорский надзор за обеспечением органами расследования их прав и законных интересов). -М.: ВНИИП, 1995. -С.43.

¹⁰ См.: Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. -М., 1995. -С. 26.

¹¹ Қаранг: Саломов Б. Адвокатская деятельность, ее гарантии и социальная защита адвокатов в Республике Узбекистан (опыт и проблемы): Автореф.дисс. ...докт.юрид.наук. -Т.: ТПЮИ, 2005. -С. 28; Защита по уголовному делу. Пособие для адвокатов / Под ред. Е.Ю. Львовой. -М.: Юрист, 1998. -С. 48.

Комил АЛИХОДЖАЕВ,
Фарғона транспорт прокурори ёрдамчиси

ВОҚЕА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ҚўЛЛАНАДИГАН КРИМИНАЛИСТИК УСУЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда¹.

Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилди².

Таъкидлаш жоизки, тергов ва умуман одил судловни амалга оширишнинг муҳим шarti ўтказиладиган барча процессуал ҳаракатлар қонунийлигини таъминлашдир.

Тергов амалиётидан яхши маълумки, ҳар қандай жиноятни фош қилиш биринчи навбатда далилларга асосланишни тақозо этади. Ўз навбатида, ҳодиса жойида аниқланган далиллар эса жиноятларни фош этишда муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

ЖПКнинг 22-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Жиноятни очиш ва жиноятчиларни фош этишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ичида ҳодиса жойини кўздан кечириш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг аҳамияти бу тергов ҳаракатининг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан боғлиқ. Терговчи воқеа содир этилган жойда ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги ҳолати ва унга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиши.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 137-моддасида кўрсатилганидек, “Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади”.

А.И. Винбергнинг фикрича, ҳодиса содир этил-

ган жойни кўздан кечириш, бу — иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланади. У ўз ичига содир этилган ҳодисанинг характери, жиноятчилар шахси, жиноят мотивларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳодиса жойининг ҳолатини ўрганиши, ҳар хил излар ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш ва қўлга киритиш каби ҳаракатларни қамраб олади³.

Бугунги кунда жиноятларнинг содир этилишида қўлланаётган жиноий усул ва воситаларнинг ўзига хос замонавий тусга эга бўлаётганлиги бу каби жиноятларни тезликда очишни ҳамда дастлабки тергов ишларини юритишда тезкорликни, шунингдек, юқори касбий маҳоратга эга бўлишни талаб этади.

Профессор Б.Х.Пўлатов таъкидлаганидек, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг қонун билан белгиланган бурчи бўлса-да, лекин бу бурчни эсдан чиқариб қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим жиноят ишлар бўйича терговнинг малакасиз ва сифатсиз ўтказилиши, жиноят-процессуал қонун талабларининг қўпол равишда бузилиши фуқароларнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига, уларнинг ҳуқуқлари поймол қилинишига, ишлар қўшимча терговга қайтарилиб, узок вақт мабойнида сансалорликка солиниши, жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитлари фош қилинмаслиги ва бартараф этилмаслигига сабаб бўлмоқда. Жиноят ҳақидаги хабарни текшириш, жиноят иши кўзга тиши, уни тергов қилиш, ишни судда кўриш, яқунлаш босқичида процессуал қонунчиликка сўзсиз риоя этиш жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлибгина қолмай, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий маданияти кўрсаткичини ҳам ифодалайди. Очиғини тан олиш керак, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳуқуқий маданият масаласида замон талабидан бир мунча орқада қолмоқдалар”⁴.

Тергов амалиётида фош этилмасдан қолган жиноятларга оид жиноят ишларини ўрганишдан кўринадик, бунга терговчининг ҳодиса содир бўлган жойга ўз

вақтида ҳозир бўлмаслиги ва уни сифатли кўздан кечирмаслиги, кечиктириб бўлмайдиган тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги ва ташкил этилмаслиги жабрланувчининг шахси ва аниқланган ҳолатлар ҳамда тўпланган тезкор маълумотлар асосида ҳақиқатга яқин бўлган гумонлар илгари сурилмаслиги, шунингдек, уларнинг ҳар бири чуқур текширилишини таъминловчи режалар ишлаб чиқилмаслиги, тергов олиб борилишида тактик усул ва услубиятлар тўғри қўлланилмаслигига сабаб бўлади⁵.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати ҳисобланади. Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширилиши натижасида ўз вақтида жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни ушлаш чораси кўрилиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бу тергов ҳаракатини амалга оширилишида иштирок этиши талаб этилмайди.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш кўп ҳолларда, ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат кейинчалик ўзгариб кетиши ва натижада терговни чалғитиши мумкин бўлганлиги сабабли, дарҳол амалга оширилиши шарт.

Терговчининг асосий вазифаларидан бири ҳодиса жойини кўздан кечиришни тўлиқ ўтказиш ва унинг натижаларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Лекин тергов амалиётларида бунга баъзан эришилмайди. Бунинг сабаби турлича: биринчидан, терговчининг етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги ва криминалистик техникавий воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, иккинчидан, об-ҳаво шароитининг ноқулайлиги, учинчидан, ҳодиса жойидан топилган далилларга аҳамият бермаслик ҳисобланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий тактик қоидалари бор. Уларга кўра, кўздан кечириш объектив бўлиши керак. Терговчи жиноят иши билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ҳар тарафлама ўрганиб, тўпланган материалларга объектив баҳо бериши лозим. Терговчи иш билан боғлиқ бўлган айрим фактларни, ашёвий далилларни иккинчи даражали далил деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳодиса жойи ҳолатини тўлиқ текшириш, биророрта ҳам ашёвий далилларнинг назардан четда қолмаслиги ва баённомада қайд этилишини тақозо қилади.

Ўз навбатида, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг тўла ва ҳар томонлама ўтказилиши қуйидагилар билан таъминланади:

Кўздан кечиришнинг тўғри ташкил этилиши, кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида иш фаолиятининг тўғри тақсимланиши ҳамда барча ҳаракатларнинг тузилган режага асосан ўтказилиши;

Кўздан кечириш ҳаракатига фақат терговчи бошчилик қилиши;

Криминалистик воситалар ва услубларнинг тўғри қўлланилиши;

Терговчи ва бошқа жалб қилинган мутахассис иштирокчиларда касбий тажриба ва билимларнинг етарлилиги;

Тергов ҳаракатини ўтказиш олдидан содир бўлган ҳодиса манзарасини амалий ҳаракатларга нисбатан солиштириш қобилияти⁶.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни кечиктирмасдан, ўз вақтида амалга ошириш керак. Терговчи жиноий ҳодиса содир этилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин дарҳол ҳодиса жойига етиб бориши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқишни кечиктириш, жиноий ҳодиса содир этилган ҳолат ва вазиятнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин. Баъзи жиноятлар бўйича ҳодиса жойидаги ҳолат узоқ муддатга сақланиб турмайди. Автотранспорт ҳодисаси, бахтсиз ҳодисалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, ҳодиса жойига чиқишни кечиктириш жиноий ишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ашёвий далилларнинг йўқотилиши ёки воқеа ҳолатининг ўзгартирилиб юборилишига олиб келиши, об-ҳаво ёмғир, қор ва бошқалар таъсирида баъзи излар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Кўздан кечиришнинг мақсади иш бўйича аҳамиятли ҳақиқий маълумотларни аниқлаш ва мустаҳкамлашдир. Кўздан кечиришда ҳақиқий маълумотларни аниқлаш кўздан кечириладиган объектларда акс этган содир этилган жиноят ҳолатларини кўздан кечириш иштирокчиларининг (терговчи ва холисларнинг) бевосита идрок қилиши орқали амалга оширилади.

Одам баданини кўздан кечириш гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда (ЖПК, 142-147 ва 172-187-моддалари) амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ЖПКнинг 167-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим (ЖПК, 135-модда).

Ҳодиса жойининг чегараси белгилангандан сўнг терговчи жойининг умумий ҳолатини фотосуратга туширади ва ундан кейин ҳодиса жойини бевосита кўздан кечиришга ўтади.

Тергов ҳолати хусусиятларига қараб ҳодиса жойини кўздан кечириш бир нечта усулларда амалга оширилади.

Концентрик усулда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳодиса жойининг теварак-атрофидан марказига қараб йуналтирилган бўлади. (Масалан, *дўконда ўғирлик бўлганлигини аниқлаб кўздан кечиришни ҳодиса жойида ўғрининг дўконга кирган жойидан (эшик, ойнадан, девордан) сотиш жойига-ча ўтказиш лозим, чунки жиноятчи айнан сотиш жойида объектлар ҳолатини ўзгартириб, нарсаларга қўл урган, сейфни бузиб ўғирликни содир қилган*). Бундай вақтларда кўздан кечиришни жиноятчининг кириш-чиқиш жойидан, транспорт воситасининг излари ва бузиш қуролларидан қолган изларни кўздан кечиришдан бошлаш маъқул. Ундан кейин бино эшигини бузишдан қолган изларни кўздан кечириш ва жиноятчилар ўғирлик содир этган жойга ўтиш ва уни кўздан кечириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бун-

дай вақтларда терговчи жиноятчиларнинг ҳодиса жойидаги ҳаракат қилиш навбатини аниқлаб олиш имконига эга бўлади. Терговчи бир издан кейингисига ўтиб, ҳодиса жойи марказига яқинлаша бориб, бўлган ашёвий далилларни йиғиб боради.

Эксцентрик усулда терговчи ҳодиса содир бўлган жойнинг фикран танланган марказидан ҳодиса жойининг теварак-атрофигича кўздан кечириш олиб борилади (масалан, жасаддан уйга кириш жойигача ёки жиноят қуролларини яшириш жойигача).

Фронтал (маълум бир чизиқда ўтказиш) усули очик жойнинг ҳолатини ўрганиш мақсадларида шоссе, темир йўл, дарё бўйлаб ўтказилади. (Масалан, жасадни топиш учун бир неча одамдан, ўттизта-қирқта одамгача бир чизиқда туриб бир неча метр масофага эга очик жойни ўзаро бир йўналишда текшириб чиқишад ва очик жойда топилган объектлар қайд қилинади).

Мукамал кўздан кечириш усули — бу ҳодиса содир бўлган жойнинг айрим қисмларининг кўздан кечирилиши (чунки бу қисмларда жиноятга алоқадор муҳим ахборот манбалари бўлиши мумкин). Мукамал усул қайта ёки қўшимча кўздан кечириш ҳаракатида ҳам қўлланилади.

Турар жой, хизмат хоналарини кўздан кечирганда баъзи бир ҳолларда уларни кириш эшигидан чап йўналишда (**соат йўналишига**) ва ўнг йўналишда (**соат йўналишига қарама-қарши**) деворлар бўйлаб олиб бориш тавсия этилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни унга умумий тафсиф беришдан бошлаш керак. Бунда жойдаги ҳолат: кириш-чиқиш йўллари очик-ёпиқлигига, бино ичидаги жиҳозлар қандай ҳолатда турганлигига аҳамият бериш лозим ва шу асосда жиноий ҳаракатнинг содир этилиш усуллари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Баъзи вақтларда ҳодиса жойлари очик жойлар, чўл, одам яшамайдиган иморат бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ҳодиса жойи бирин-кетин кўздан кечиради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий масалаларидан яна бири, қандай из ва ашёвий далилларни жиноятчи ҳодиса жойида қолдиради ва қандай из, предметлар, микрозаррачаларни ўзи билан олиб кетиши мумкин каби масалалар жиноятнинг содир эти-

лиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мурдани кўздан кечириш орқали ҳал этилиши мумкин. Агар жабрланувчи совуқ қурол билан етказилган жароҳат натижасида ўлган бўлса, жиноятчининг кийимида, пойабзалида қон излари қолиши мумкин. Агар қотиллик жиноятини содир этиш учун жиноятчи деворни ёки эшик ва деразани бузиб кирган бўлса, жиноятчининг кийимида тупроқ ёки ойна синиқлари қолиши мумкин.

Ҳодиса жойида бўлиши мумкин бўлган кўпчилик излар ва ашёвий далилларни жиноятчининг ўзида топиш, аксинча, ундан ҳодиса жойида ҳам из ва ашёвий далиллар қолиши мумкин. Масалан, оёқ, қўл излари, жиноятни содир этишда фойдаланилган қуролларни, шахсий буюмларни (дастрўмол, папирос қолдиғи, тароқ, гугурт синиқлари ва ҳ.к) қолдириб кетиши мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи томонидан тузиладиган версиялар алоҳида эътиборга моликдир. Терговчи ҳодиса жойида қатор версияларни юритиши мумкин, лекин бу версияларнинг қайси бири объектив ҳақиқатни аниқлашда аҳамиятга эга эканлиги улар текшириб кўрилгандан кейин маълум бўлади.

Терговчи қандай фараз юритган бўлса, барчасини навбати билан текшириб кўриши лозим ва биронта ҳам версия текширилмасдан қолиши мумкин эмас. Версияларни текшириш бу воқеа жойини кўздан кечиришда терговчининг ушбу ҳодиса жойида ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилганлиги ёки этилмаганлигини аниқлашдан иборат.

Мазкур тергов ҳаракатини амалга оширишда видеотехникадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, ҳодиса жойини кўздан кечиришда тергов ҳаракатини амалга ошираётган суриштирувчи ва терговчи кўздан кечириш объектини тўлиқ қамраб олиши қийин, баъзи ҳолатлар, предметлар, уларнинг жойлашиши ёки ҳолати назардан четда қолиши мумкин. Видеотасвирга туширилса, видеотасвирни кўйиб, кўриб баёнлаштиришда, шу кўздан қочган ҳолатлар намоеён бўлади ва терговга ёрдам беради.

Хулоса сифатида айтганда, ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати тўғри ташкил этилиши терговнинг дастлабки босқичиданоқ жиноятларни фош этиш ва тергов сифатини яхшилашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

АННОТАЦИЯ

Статья о важности применения криминалистических способов осмотра места преступления. В ней освещаются криминалистические аспекты осмотра места преступления, анализируется нормативно-правовая база. Также рассматриваются процессуальные основы осуществления данного процессуального действия.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

² Қодиров Р.Х. Конституция — инсон манфаатлари ва давлат тараққиёти кафолатидир. Ҳуқук. 2011 йил 15 декабрь, 50(779) сони.

³ Винберг А.И. “Криминалистика” 1950 й. Б.3.

⁴ Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш - ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти / ТДЮИ Ахборотномаси. — 2009. — №8. — Б.67.

⁵ Эсанов М.Г., Ходжаев М.Р. Тергов. —Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. -2009. —Б.4.

⁶ Эсанов М. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш. Тошкент, «Ўзбекистон»,1997. Б.4.



Наргиза КАДЫРОВА,
 Стажер-соискатель-исследователь УМЭД

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ КОНСУЛЬСКОЙ СЛУЖБЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫМИ ОРГАНАМИ

С первых дней обретения Узбекистаном независимости руководство нашей республики и в первую очередь глава нашего государства И.А.Каримов уделяли особое внимание защите прав и интересов наших граждан не только на территории нашей страны, но и за ее пределами. Безусловно, решение этой задачи в немалой степени зависит от и эффективности консульской службы Республики Узбекистан, ее взаимодействия с правоохранительными органами. Вопросы их взаимодействия регулируются рядом законодательных актов, как международных, так и национальных. В качестве первого и одного из основных крановых оснований такого взаимодействия следует назвать, конечно же, Венскую конвенцию о консульских сношениях.¹

В новых условиях построения демократического государства, в отличие от тоталитарного режима, понятие «правоохранительные органы» стало наполняться иным содержанием, поскольку оно включает органы, на которые государством возложено осуществление функций по охране прав граждан.

С учетом указаний, содержащихся в работах и выступлениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, такие органы в первую очередь осуществляют защиту и охрану прав граждан, а затем уже — юридических лиц и государства. Так, в своем докладе на IV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва И.А.Каримов особо отметил: «Сегодня наша правовая доктрина основана на иных, демократических принципах. В соответствии с Конституцией Узбекистана прежде всего обеспечивается приоритет прав человека. Человек является главным объектом защиты...»².

Выполнение консульской службой функций, напрямую связанных с защитой интересов наших граждан за пределами страны, включает деятельность, свойственную правоохранительным органам, в частности, таких как прокуратура и адвокатура.

В независимой Республике Узбекистан прокуратура стала одним из основных органов, деятельность которого направлена на защиту прав и законных интересов граждан. Если раньше этот орган воспринимался не только простыми гражданами, но даже некоторыми теоретиками права как часть репрессивного аппарата, то теперь возникла настоятельная необходимость коренным образом изменить эту неверную трактовку роли прокуратуры.

В статье 2 Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре» в качестве одной из основных задач органов прокуратуры Республики Узбекистан, помимо обеспечения верховенства закона, укрепления закон-

ности и других, указана защита прав и свобод граждан. Возможность выполнения таких функций консульской службой создает правовую основу для осуществления ею части полномочий, свойственных прокуратуре и другим правоохранительным органам.

В статье 5 Конвенции 1963 г. предусматривается возложение на консульскую службу части полномочий, свойственных органам дознания и следствия. Так, предусмотренная пунктом «к» этой статьи Конвенции функция осуществления предусмотряемых законами и правилами представляемого государства прав надзора и инспекции в отношении судов, имеющих национальность представляемого государства, и самолетов, зарегистрированных в этом государстве, а также в отношении их экипажа, прямым образом связана с функциями, свойственными органам дознания. Более того, в пункте «л» статьи 5 Конвенции предусмотрено оказание помощи судам и самолетам и их экипажу, принятие заявлений относительно плавания судов, осмотр и оформление судовых документов и расследование любых происшествий, имевших место в пути, без ущерба для прав властей государства пребывания.

Консульскому должностному лицу предоставляются полномочия по разрешению всякого рода споров между капитаном, командным составом и матросами, поскольку это предусматривается законами и правилами представляемого государства.

Помимо Конвенции 1963 г., в качестве правовой основы взаимоотношений и взаимодействия консульской службы и правоохранительных органов следует назвать ряд других правовых документов, в том числе Консульский устав Республики Узбекистан, консульские конвенции (соглашения), заключенные Республикой Узбекистан с другими государствами. Эти правовые акты и международные документы определяют возможность осуществления консульскими должностными лицами полномочий, предоставленных Венской Конвенцией о консульских сношениях 1963 г. и еще более конкретизируют их.

В статье 3 Консульского устава Республики Узбекистан предусматривается, что консульские учреждения Республики Узбекистан защищают за границей права и интересы Республики Узбекистан, граждан и юридических лиц Республики Узбекистан.

В ст.24 указано, что консул обязан принимать меры для восстановления нарушенных прав граждан и юридических лиц Республики Узбекистан. Такая обязанность консула уже сама по себе предполагает определенные действия с его стороны, которые включают активное вмешательство в процесс

взаимоотношений нашего гражданина и государственных органов государства пребывания, в том числе, естественно, правоохранительных.

В статье 23 Консульского устава уточняется, что консул обязан принимать меры к тому, чтобы граждане и юридические лица Республики Узбекистан пользовались всеми правами, предоставленными им законодательством государства пребывания и международными договорами, участниками которых являются Республика Узбекистан и государство пребывания, а также международными обычаями. Понятно, что эти нормы предусматривают взаимоотношения с любыми государственными органами. Рассматривая взаимоотношения именно с правоохранительными органами, возникает проблема отграничения собственно правоохранительных органов от иных государственных органов. Данная проблема, несмотря на кажущуюся простоту, представляется нам одной из самых сложных в современной правовой теории, потому что теоретики включают в понятие «правоохранительные органы» разные органы и учреждения.

Ряд ученых считает, что под правоохранительными органами следует понимать лишь те государственные органы, которые занимаются правоохранительной деятельностью. Например, по мнению К.Ф.Гуценко и М.А.Ковалева, к правоохранительной следует относить «...такую государственную деятельность, которая осуществляется с целью охраны права специально уполномоченными органами путем применения юридических мер воздействия в строгом соответствии с законом и при неуклонном соблюдении установленного им порядка»³. Между тем, включая в свое определение государственную деятельность, авторы фактически относят к правоохранительным органам и негосударственные структуры, занимающиеся оказанием правовой (юридической) помощи. В частности, целую главу учебника они посвящают адвокатуры и частному нотариату, которые к государственным органам никак нельзя отнести⁴.

В учебнике «Правоохранительные органы Российской Федерации» В.П. Божьев избегает четкого определения понятия «правоохранительные органы», ссылаясь на сложность такого определения, и ограничивается описанием правоохранительной деятельности. Однако, по нашему мнению, при таком определении сильно сужается это понятие, поскольку оно ограничивается борьбой с преступностью. В частности, весьма спорным представляется утверждение о том, что важнейшей чертой деятельности правоохранительных органов является то, что ее начало «...в каждом случае должно иметь повод — сообщение о совершенном преступлении или ином правонарушении либо необходимость предупредить преступление или иное существенное правонарушение».

По мнению В.П. Божьева, правоохранительными могут считаться только органы, задействованные в борьбе с преступностью. Однако отдельная глава учебника посвящена нотариату и адвокатуры, которые также отнесены к правоохранительным органам. Аналогичного мнения придерживается и М.В.Шарапуто, который, однако, идет еще дальше — он полностью отрицает, что правоохранительные функции могут быть свойственны адвокатуры и нотариату⁵. И.М. Белякова также ориентируется на основной признак правоохранительного органа «защиту прав и интересов личности, следовательно, нельзя ограничиваться только органами, осуществляющими борьбу с преступностью. Так, вполне пра-

вомерно И.М.Белякова включает состав таких органов адвокатуру и другие негосударственные структуры, а также органы министерства юстиции⁶.

Видимо, мнение авторов, относящих к правоохранительным только органы, осуществляющие борьбу с преступностью, сформировано под воздействием до сих пор не изжитых стереотипов, когда само слово «правоохранительный» воспринималось с негативным оттенком, поскольку ассоциировалось у граждан в первую очередь с репрессивными функциями государства.

Узбекистанские исследователи, опираясь на сформулированные Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым основные принципы деятельности государственных органов, придерживаются иной точки зрения на понятие «правоохранительные органы». Поскольку в Конституции провозглашен принцип приоритета интересов личности, первоначальным объектом защиты для правоохранительных органов служат, естественно, права и законные интересы гражданина Республики Узбекистан.

Говоря об органах прокуратуры, Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов в своем выступлении на VI сессии Олий Мажлиса второго созыва указал: «...у тех или иных работников, выбравших для себя эту профессию и надевших форму, меняется поведение и образ мышления. У них появляется ощущение, что они стали особо доверенными людьми государства, а все остальные — это масса, за которой надо надзирать. Разве это не является самым серьезным моральным пережитком прошлого, советских времен? Отсюда и недоверие к правоохранительным органам, которое подчас возникает у простых людей. Отсюда — та черта, которая нередко ложится между обществом и работниками правоохранительных органов. Служащие государственных учреждений и в первую очередь работники прокуратуры должны помнить, что они плоть от плоти, кровь от крови нашего народа, являются его частью. Это народ, общество воспитали их, и прокурорские работники должны служить им, а не надзирать за ними»⁷. Вполне понятно, что это указание имеет отношение ко всем другим органам, призванным охранять права, — ко всем правоохранительным органам.

Глава нашего государства особо отметил: «Главная задача правоохранительных, судебных органов и, прежде всего, прокуратуры состоит не в понуждении людей, а в повышении правовой культуры граждан, знании ими своих прав, законов, в проведении эффективной профилактической работы»⁸.

Уходя от однобокого, неправильного представления о целях и задачах правоохранительных органов, мы тем самым расширяем круг этих органов и соответственно расширяем базу сотрудничества с ними консульской службы.

Однако, разумеется, следует учитывать и другие подходы к определению функций правоохранительных органов. В важнейшем правовом документе, являющемся основой для деятельности консульской службы, — Консульском уставе Республики Узбекистан предусматривается взаимодействие консульских должностных лиц с государственными органами. Это общее указание не дает дифференциации направлений деятельности такого органа. Не упоминая напрямую самого понятия «правоохранительные органы», Консульский устав, тем не менее, определяет функции консулов в зависимости от конкретного вида деятельности.

Общее указание на взаимодействие консульской

службы с государственными и негосударственными органами, в том числе с правоохранительными органами Республики Узбекистан, содержится в статье 26, а также в главе VI Консульского устава. Так, в статье 26 предусматривается оказание консулом содействия в выполнении служебных обязанностей представителям министерств, ведомств, предприятий, учреждений и организаций Республики Узбекистан, находящимся в пределах консульского округа. Естественно, такое содействие должно быть оказано, в том числе и представителю правоохранительного органа. Как видно из текста упомянутой нормы, содействие консула распространяется не только на представителей государственных организаций и учреждений.

В главе VI Консульского Устава Республики Узбекистан прямо перечислены функции консула в отношении выполнения поручений следственных органов и судов Республики Узбекистан, а также в отношении граждан Республики Узбекистан, находящихся под арестом, задержанных или лишенных свободы в иной форме. Следовательно, в этой главе функции консула получают определенную конкретизацию и уточнение. В частности, в статьях 38, 39 и 40 Консульского Устава детализируются функции консула по защите прав граждан Республики Узбекистан, ограниченных или лишенных свободы. В качестве правовой основы такой защиты принимаются как законы государства пребывания, так и международные договоры, участником которых является Республика Узбекистан.

К примеру, в статье 38 Консульского устава предусматривается выполнение консулом поручений следственных органов и судов Республики Узбекистан в отношении граждан Республики Узбекистан, если это не запрещено законами государства пребывания. Еще одним условием выполнения таких поручений является соблюдение требований международных договоров.

В статье 39 Консульского устава перечислены полномочия консула, связанные с защитой прав и законных интересов граждан нашего государства, в отношении которых в качестве мер процессуального принуждения применяется ограничение или лишение свободы — задержание, арест, направление для отбывания наказания.

Соответствует нормам международного права то обстоятельство, что консул не получает полномочия вмешиваться в конкретные вопросы определения виновности или невиновности лица — гражданина, к которому применено процессуальное принуждение. В его обязанность входит лишь обеспечение того, чтобы в отношении гражданина Республики Узбекистан, заключенного под стражу (арестованного) или задержанного по подозрению в совершении преступления, или подвергнутого иным мерам, ограничивающим его свободу, или отбывающего наказание в виде лишения свободы, а равно подвергаемого иным мерам судебного или административного воздействия, соблюдались законы государства пребывания и международные договоры, участниками которых являются Республика Узбекистан и государство пребывания.

В данной ситуации полномочия консула ограничены изучением вопроса, соответствуют ли условия содержания гражданина республики, обычно применяемые к другим лицам, в том числе — гражданам государства пребывания; не применялись ли в отношении него недозволенные методы следствия; обеспечен ли он защитником и т.п. Не следует, однако, недооценивать эти возможности консульского должностного лица.

В статье 40 Консульского Устава прямо устанав-

ливается обязанность консула по своей инициативе по просьбе заинтересованных лиц посещать граждан Республики Узбекистан, находящихся в местах заключения, и выяснять условия их содержания. Консул обязан следить, чтобы такие граждане содержались в условиях, отвечающих требованиям гигиены и санитарии, и не подвергались жестокому и унижающему достоинство человека обращению.

Существуют и другие нормы Консульского устава, возлагающие на консула обязанности, обычно свойственные правоохранительным органам. Так, в главе VII Консульского устава определены функции консула по вопросам гражданства, паспортов, виз и регистрации актов гражданского состояния; глава X посвящена нотариальным действиям, осуществляемым консулом.

Немаловажное значение в качестве правовой основы для рассматриваемого вопроса имеют, как уже упоминалось, консульские конвенции (соглашения), заключаемые Республикой Узбекистан с другими государствами. Такие конвенции и соглашения заключены с рядом государств, и этот процесс продолжается. В таких документах указаны функциональные особенности консульской службы, включая вопросы взаимоотношений и взаимодействий этой службы с правоохранительными органами.

Можно вполне обоснованно прийти к выводу, что именно консульские конвенции должны рассматриваться в качестве основного правового источника взаимоотношений и взаимодействия консульской службы и правоохранительных органов как Республики Узбекистан, так и зарубежных стран.

Вместе с тем вопросы деятельности консульской службы рассматриваются не только в документах, касающихся традиционно консульских функций, но и в ряде других. Иногда они содержатся в договорах о правовой помощи, заключаемых нашим государством с другими. В частности, в соответствии со статьей 12 Договора между Республикой Узбекистан и Чешской Республикой о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским и уголовным делам (Ташкент, 18 января 2002 г.)⁹, договаривающиеся стороны имеют право вручать документы и допрашивать собственных граждан, находящихся на территории другой договаривающейся стороны, через свои дипломатические представительства или консульские учреждения. Правда, оговаривается, что при этом не могут применяться меры принудительного характера или угроза их применения. В данном случае полномочия консульской службы оказались несколько шире аналогичных полномочий любого правоохранительного органа.

В отношении любых действий, необходимых для совершения на территории принимающей стороны в рамках расследуемого уголовного дела, действует жесткое правило. Если правоохранительные органы какого-либо государства должны произвести определенные следственные действия (допросы, опознание, выемка и т.п.) на территории другого государства напрямую и тем более самостоятельно, они это сделать не вправе.

Характерно, что Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993 г. (Минская Конвенция)¹⁰ допускает прибытие представителя правоохранительного органа запрашивающей стороны на территорию запрашиваемой стороны. Однако такое прибытие возможно лишь с согласия запрашиваемой стороны и при этом такой представитель не вправе

самостоятельно проводить какие-либо следственные действия. Он может лишь присутствовать при их проведении. Направленный с согласия Генеральной прокуратуры Российской Федерации следователь из Узбекистана будет присутствовать при допросе свидетеля российским следователем и единственное, на что он будет иметь право просить последнего задавать свидетелю необходимые с его точки зрения вопросы.

В такой ситуации консульское должностное лицо оказывается в более выгодном положении: в соответствии со статьей 12 Минской Конвенции оно вправе допрашивать гражданина своего государства, находящегося на территории другого государства, без дополнительного согласования этого вопроса.

Относительно проработанными можно считать вопросы взаимодействия консульской службы и правоохранительных органов в Соглашении между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в борьбе с незаконной миграцией (Ташкент, 4 июля 2007 г.). В статье 2 этого соглашения дается перечень министерств и ведомств (они названы «компетентными органами»), на которые возложена реализация соглашения. Наряду с Министерством внутренних дел, Службой национальной безопасности, Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан в число таких уполномоченных органов включен также МИД Республики Узбекистан.

Таким образом, в качестве правовой основы регулирования взаимодействия консульской службы с правоохранительными органами как государства пребывания, так и представляемого государства, принята Венская конвенция о консульских сношениях 1963 г., консульские конвенции (соглашения), заключенные нашим государством с другими странами, ряд других международных договоров и соглашений, как двухсторонних, так и многосторонних, а также Консульский устав Республики Узбекистан.

Рассматривая вопросы взаимоотношений и взаимодействия консульской службы с правоохранительными органами, необходимо, на наш взгляд, выделить две группы таких отношений.

К первой группе следует отнести взаимоотношения и взаимодействие консульской службы с правоохранительными органами зарубежных государств (или государств пребывания), ко второй — взаимоотношения и взаимодействие консульской службы с правоохранительными органами представляемого государства.

Во второй группе правомерно выделить подгруппы выполнения функций, свойственных правоохранительным органам, и выполнения функций, связанных с исполнением поручений правоохранительных органов представляемого государства. Такое отграничение весьма условно, поскольку обе подгруппы весьма тесно смыкаются и нередко взаимопроникают друг в друга.

Венская Конвенция о консульских сношениях 1963 г. содержит ряд положений, создающих общую правовую основу для названного взаимодействия, и предусматривает взаимные обязанности, как консульской службы, так и государственных (в первую очередь правоохранительных) органов государства пребывания.

В статье 36 Конвенции определено, что в целях облегчения выполнения консульских функций в отношении граждан представляемого государства консульские должностные лица могут свободно сноситься с гражданами представляемого государства и иметь доступ к ним. Граждане представляемого государства имеют такую же свободу в том, что касается

сношений с консульскими должностными лицами представляемого государства и доступа к ним.

Весьма ярко взаимодействие консульской службы и правоохранительных («компетентных», как указано в Конвенции) органов государства пребывания проявляется в обязанности последних безотлагательно уведомлять консульское учреждение представляемого государства о том, что в пределах его консульского округа какой-либо гражданин этого государства арестован, заключен в тюрьму или взят под стражу в ожидании судебного разбирательства, или же задержан в каком-либо ином порядке.

Немаловажно, что Венская Конвенция содержит определенную оговорку: такое уведомление направляется, «... если этот гражданин этого потребует».

С учетом приоритета прав человека, неукоснительно соблюдаемого в нашем государстве, в развитие положений Венской Конвенции 1963 г. при заключении консульских конвенций (соглашений) с другими государствами Республика Узбекистан ориентируется на обязательность упомянутого выше уведомления. Более того, это обязательство содержится в национальных законодательных актах, в частности, в упомянутой ч.2 ст.217 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Представляется, что оговорка «...если гражданин этого потребует» создает вероятность нарушения прав такого гражданина. Действительно, находясь под стражей, будучи фактически изолирован от внешнего мира, гражданин не всегда в состоянии получить качественную и эффективную защиту. Со стороны правоохранительных органов государства пребывания также возможны различные необоснованные ущемления и нарушения прав гражданина, а также прямые злоупотребления.

К сожалению, изучение деятельности правоохранительных органов ряда зарубежных стран показывает, что не всегда те, на которых возложен надзор за дознанием и следствием, достаточно качественно выполняют эту функцию. Нередки случаи, когда, руководствуясь неверно понимаемым принципом «солидарности», органы надзора занимают соглашательскую, одностороннюю позицию, ущемляя тем самым права граждан.

Во-вторых, к тем, с кем может общаться задержанный (арестованный), относится, конечно, его адвокат (защитник), выполняющий важную процессуальную функцию противовеса обвинению.

Необходимо отметить, что, в отличие от многих других стран, в Республике Узбекистан статус адвокатуры находится на должном уровне. Это основано на изменениях в законодательстве, регулирующем деятельность адвокатуры.¹¹ Предоставление адвокату возможности встречи со своим клиентом до первого допроса, обеспечение реального доступа к адвокатской помощи с момента фактического задержания и другие изменения свидетельствуют об укреплении позиции адвокатуры в вопросах реальной состязательности процесса, надлежащей защиты прав и свобод граждан в Узбекистане.

Однако, как уже отмечено, такие возможности имеются у адвокатуры далеко не во всех странах. Более того, когда дело касается иностранного гражданина, оказание ему юридической помощи (а особенно квалифицированной юридической помощи) связано с целым рядом проблем и препятствий, причем не последнее место имеет материальное обеспечение такой помощи. С родственниками, друзьями или сочувствующими

щими лицами задержанный (арестованный) гражданин не может общаться, так как ему в этом активно препятствуют работники правоохранительных органов, поскольку в противном случае не было бы смысла ограничивать или лишать гражданина свободы.

С учетом всех этих факторов резко возрастает роль консульского должностного лица как одного из немногих лиц, имеющих возможность общения с задержанным (арестованным) гражданином с целью оказания реальной помощи.

В статье 39 Консульского устава, в положениях консульских конвенций (соглашений), заключенных Республикой Узбекистан, как мы неоднократно указывали, определены полномочия консула во взаимоотношениях с правоохранительными органами государства пребывания, ответственными за ограничение свободы задержанного или арестованного гражданина Узбекистана.

От консула требуется лишь правильно применять на практике эти свои полномочия. Немаловажным представляется знание консулом не только требований международных (двусторонних, многосторонних) договоров и соглашений, участниками которых являются Узбекистан и государство пребывания. Полагаем весьма необходимым и актуальным знание консульским должностным лицом законодательства государства пребывания, в том числе (и не в последнюю очередь) - уголовно-процессуального законодательства.

Разумеется, в первую очередь консул все же будет руководствоваться Венской конвенцией о консульских сношениях 1963 г., Консульским уставом Республики Узбекистан и консульскими конвенциями (соглашениями). Эти правовые документы дают возможность делать упор на примат норм международного права в тех случаях, когда законодательство государства пребывания устанавливает более жесткий режим в отношении задержанного, арестованного или осужденного гражданина.

Естественно, что ориентироваться в таких сложных вопросах, как вопросы, относящиеся к уголовно-процессуальному праву, уголовно-исполнительному праву и др., без юридического образования человеку очень сложно. В связи с этим напрашивается вывод о необходимости укомплектования кадров консульской службы специалистами в области юриспруденции, правоведами.

Не последнюю роль во взаимоотношениях с органами, осуществившими задержание и содержание под стражей гражданина республики, играют и личные качества консульского должностного лица. Здесь от них требуется знание основ психологии и навыки коммуникабельности, умение устанавливать деловые отношения с представителями упомянутых органов. Немаловажно и умение консульского должностного лица расположить к себе собеседника, причем не только работника правоохранительного органа, но и задержанного, арестованного, осужденного гражданина. Не секрет, что с учетом нарушения коммуникативных связей с другими лицами такой гражданин может находиться в стрессовом состоянии, попросту бояться сообщить о фактах применения к нему каких-либо незаконных методов или нарушения условий содержания. Разговорить такого гражданина весьма сложно, здесь требуется знание психологии и умение объяснить человеку, что в его интересах сообщить о таких фактах.

Не исключаются действия консула в тех же целях - добиваться обеспечения права гражданина представляемого государства на защиту. Такая возможность реализуется в форме поиска адвоката-защит-

ника или создания условий для его приглашения.

В то же время правомерно считать, что в таких случаях консул выполняет как бы часть правоохранительных функций, свойственных адвокату. Как известно, не допустить применения незаконных методов следствия, требовать обеспечения надлежащих условий содержания арестованного (задержанного, осужденного), протеститься дискриминации в любом ее виде — такие задачи обычно выполняет адвокат.

Таким образом, полномочия консульской службы пересекаются с полномочиями адвокатуры, поскольку предоставляют консулу право осуществлять такие действия.

Более того, в статье 29 Консульского устава Республики Узбекистан прямо указано: «Консул имеет право без доверенности представлять в учреждения государства пребывания граждан и юридические лица Республики Узбекистан, если они отсутствуют и не поручили ведение дела какому-либо лицу или не в состоянии защищать свои интересы по другим причинам. Это представительство продолжается до тех пор, пока представляемые не назначат своих уполномоченных или не возымут на себя защиту своих прав и интересов». В данном случае консул выступает как доверенное лицо, чем также фактически осуществляет адвокатские функции.

В статье 37 Венской конвенции 1963 г. предусмотрена еще одна из форм взаимодействия правоохранительных органов с консульской службой — обязанность уведомления о смерти гражданина представляемого государства, а также о любом случае, когда назначение опекуна или попечителя отвечает интересам несовершеннолетнего или другого лица, не обладающего полной дееспособностью и являющегося гражданином представляемого государства.

Характерно, что при осуществлении своих функций консульские должностные лица могут обращаться в компетентные местные органы своего консульского округа и в компетентные центральные органы государства пребывания, если это допускается, и в той степени, в какой это допускается законами, правилами и обычаями государства пребывания или международными договорами (ст.38 Конвенции).

Консульский устав Республики Узбекистан возлагает на консульских должностных лиц еще целый ряд других функций, часть которых тесно переплетается с функциями, свойственными правоохранительным органам.

В соответствии с главой VII Консульского устава Республики Узбекистан, на консула возложено выполнение функций, свойственных органам внутренних дел Республики Узбекистан. Согласно статье 41 Консульского Устава Республики Узбекистан, консул обязан принимать заявления лиц, проживающих в консульском округе, по вопросам гражданства Республики Узбекистан¹².

Консульское должностное лицо выполняет также некоторые функции другого правоохранительного органа — органа (учреждения) юстиции Республики Узбекистан. Это происходит при осуществлении таких функций консула, как регистрация актов гражданского состояния, а также совершения нотариальных действий. Последняя функция характерна для консульской службы, поскольку является единственной удобной возможностью для наших граждан, находящихся за границей, совершить нотариально удостоверяемые действия, не возвращаясь на Родину. Тогда консул действует не просто как лицо, выполняющее часть функций правоохранительного органа (нотариат, как известно, входят в систему Министерства юстиции), но и

фактически выступает в роли такого органа.

Рассматривая полномочия консула по выполнению нотариальных действий, можно заметить, что они охватывают основную часть полномочий нотариуса.

Указывая на возможность выполнения консулом функций органа записи актов гражданского состояния, ст.44 Консульского устава не раскрывает, какие именно действия выполняет в этом случае консульское должностное лицо, однако само собой подразумевается, что консул регистрирует такие события, как рождение, смерть и т.д.

Особое место в деятельности консульской службы занимает выполнение поручений следственных органов и судов Республики Узбекистан в отношении граждан Узбекистана. В соответствии со ст.38 Консульского устава, такая функция может выполняться, если это не запрещено законами государства пребывания и с соблюдением международных договоров.

Нужно отметить, что, несмотря на кажущуюся незначительность данной функции консульской службы, практическое ее значение трудно переоценить. В частности, она дополняет возможности следственных органов и судов Республики Узбекистан по эффективному и качественному выполнению в полном объеме своих задач.

Еще раз подчеркнем преимущественное положение в такой ситуации консульского должностного лица по сравнению с представителем любого правоохранительного органа или даже суда, для которых возможности произвести какие-либо действия на территории другого государства попросту не существует. Даже при наличии договоров или соглашений об оказании правовой помощи правоохранительные

органы обращаются к органам другого государства с ходатайством о проведении отдельных, в том числе следственных, действий. По этому ходатайству такие действия проводят работники правоохранительного или иного органа запрашиваемого государства. Представители правоохранительного органа — инициатора могут лишь (по специальной договоренности) присутствовать при их проведении.

Таким образом, консульская служба взаимодействует с правоохранительными органами на уровне исполнения части функций правоохранительных органов представляемого государства. Государство пребывания в лице своих правоохранительных органов входит в определенные отношения с консульскими должностными лицами, к ним обращаются для выполнения функций по охране прав и интересов граждан республики, когда эти граждане задержаны, арестованы или осуждены. Так налаживаются взаимоотношения с правоохранительными органами государства пребывания и правоохранительными органами представляемого государства.

Взаимодействие осуществляется также на уровне выполнения прямых поручений правоохранительных органов представляемого государства при проведении отдельных следственных действий, чаще всего допросов свидетелей и других лиц, установление каких-либо обстоятельств.

Полагаем, что есть еще одно, пока слабо развитое направление деятельности — определение качественных и количественных характеристик миграционных процессов. Здесь взаимодействие с правоохранительными органами, как государства пребывания, так и представляемого государства представляется наиболее актуальным.



АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикаси консуллик хизматининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар билан ҳамкорлигининг айрим масалаларига бағишланган. Унда муаллиф томонидан консуллик хизматини ҳуқуқий тартибга солувчи халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларининг ҳуқуқий асослари илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада шу соҳада фаолият юритган олимлар билан илмий мунозараларга киришилган.

¹ Республика Узбекистан присоединилась к ней в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 0 мая 1994 г N 1079-XII

² Справедливость - в приоритете закона: Доклад Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на IV сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва // Народное слово, 30 августа 2001 г.

³ Гуценко К.Ф., Ковалев М.А.. Правоохранительные органы: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов.- М.: ЗЕРЦАЛО-М 2002 С.9 Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Указ. раб с. 354-377

⁴ Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебник для высших юридических учебных заведений и юридических факультетов/Под ред.проф. В.П. Божьева - М Спарк 1997. С.13.

⁵ Шаропуто М В.. Правоохранительные органы.- М.: Проспект, 1998. С.7

⁶ Белякова И.М. Правоохранительные органы в Российской Федерации: Учебный курс. <http://www.e-college.ru/xbooks/xbook026/book/index/index.html>

⁷ Справедливость - в приоритете закона Доклад Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва // Народное слово, 30 августа 2001 г

⁸ Справедливость - в приоритете закона Доклад Президента

Республики Узбекистан И.А. Каримова на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва // Народное слово, 30 августа 2001 г.

⁹ Ратифицирован Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан 5 апреля 2002 г. N 366-И.

¹⁰ Ратифицировано Постановлением Верховного Совета Республики Узбекистан 6 мая 1993 г. N 825-ХП. Вступила в силу для Республики Узбекистан с 19 мая 1994 г.

¹¹ См., к примеру, Закон Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнении в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института адвокатуры" //Народное слово от 01.01.2009 г.

¹² В соответствии со статьей 42 устава консул имеет право выдавать паспорт гражданина Республики Узбекистан и производить его обмен гражданам Республики Узбекистан, постоянно проживающим за границей, а также лицам, приобретшим гражданство Республики Узбекистан в соответствии с законом. Кроме того, он имеет право выдавать, продлевать, погашать визы на въезд в Республику Узбекистан, выезд из Республики Узбекистан и транзитный проезд через территорию Республики Узбекистан, а также вносить изменения в выданные визы. Как известно, в отношении граждан нашего государства, проживающих и находящихся на его территории, эти функции осуществляет специальное подразделение МВД Республики Узбекистан — Управление въезда, выезда и оформления гражданства.

СОЛИҚ ЁКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш тушунчасининг мазмуни тўғрисидаги масала мазкур ҳодисани давлат, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан самарали назорат қилиш ва унга қарши курашиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажармасликни икки турга ажратиш мумкин: қонуний — тўламаслик ва ноқонуний — бўйин товлаш (солиқ ҳуқуқбузарлиги ёки жинояти).

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни қонуний тўламаслик деганда, солиқ тўловчининг тегишли бюджетларга мажбурий тўловларни камайтиришга қаратилган, формал-ҳуқуқий нуқтаи назардан солиқ қонунларини бузмайдиган ҳаракатлари тушунилади. Мазкур ҳолатда давлат айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Тегишли равишда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиқ тўловчининг солиқ тўловларини ёки солиқ солинадиган базани камайтиришга қаратилган, солиқ қонунчилигини бузиш йўли билан қасддан содир этиладиган қилмиши ҳисобланади.

Айтиш жоизки, солиқни қонуний тўламаслик ва тўлашдан ноқонуний бўйин товлаш ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш баъзан жуда қийинчилик туғдиради.

Дарҳақиқат, солиқ тўловчининг солиқ тўловларини мумкин қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлари унча аниқ бўлмаган чегарадан ўтиши ва солиқ жинояти таркибига айланишини белгилаш тадқиқотчи ва қонунларни қўлловчилар учун ҳам оғир муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммонинг мавжудлиги олимлар ва амалиётчилар томонидангина эмас, балки ижро этувчи ҳокимият томонидан ҳам тан олинади ва энг аввало такомиллаштиришга муҳтож бўлган солиқ тизимидаги камчиликлар билан боғланади. Солиқ солишни оптималлаштириш масалалари бўйича давлат сиёсатини аниқ белгилаш зарурлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтган эди: “Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири — солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир.

...Бугун ҳаётнинг ўзи солиқлар адресли бўлишини тақозо этмоқда. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор”¹.

Солиқ солишни оптималлаштириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ўртасидаги чегарани белгилаш учун бу икки тушунчанинг мазмунига таъриф бериш лозим. Бу қилмишларнинг иккаласи ҳам бир хил мақсадни кўзлайди ва солиқларни камайтиришга, яъни бюджетга ўз мажбурий тўловларини камайтириш ёки умуман тўламасликка қаратилади.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида “солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” тушунчасининг мазмунига таъриф берилмаган. Ҳолбуки, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар туркумида нисбатан янги тури сифатида ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганишни талаб қилади.

И.В.Александровнинг фикрига кўра, мазкур тушунчанинг мазмуни қонун йўли билан мустақамлаш солиқ жиноятларига қарши курашиш методикасини ишлаб чиқишнинг бош омили ҳисобланади, “чунки нимани аниқлаш ва тергов қилиш кераклиги (муайян суммадаги солиқни тўламаганликни ёки бундай тўламаганлик билан боғлиқ ҳаракатларни) ва жиноий, деб топилиши учун ҳаракатлар қандай бўлиши лозимлиги аниқ ва равшан эмас”².

Қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 106-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчасининг мазмунига берган таърифдан солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш тушунчасининг мазмуни ҳақида хулоса чиқариш, бизнингча, ўринлироқ бўлади. Ушбу нормага мувофиқ, солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Фикримизча, мазкур таърифда муҳим бир ҳуқуқий белги туширилиб қолдирилган бўлиб, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун белгиланиши мумкин бўлган молиявий санкциянинг таҳдиди акс эттирилмаган. Бизнингча, мазкур белгини таърифга қўшиш солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ифода этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, солиққа оид ҳуқуқбузарликка қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади: “Солиқ тўловчининг

ушбу Кодекс билан тақиқланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учун **молиявий жарима қўллаш таҳдиди билан** солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб топилди”.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгиларига эга эканлигидан келиб чиқиб, А.Г.Кот солиқ жиноятларини махсус субъект — солиқ тўловчи томонидан қасддан содир этиладиган ва солиқ солишнинг белгиланган тартибига тажовуз қиладиган, жиноят қонунида назарда тутилган ва тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида тавсифлашни таклиф қилган³.

“Бўйин товлаш” тушунчасининг мазмунини тавсифлаганда шуни ҳисобга олиш лозимки, бу давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган пул маблағларидан бида туриб ноқонуний фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишдир.

С.С.Белоусованинг фикрига кўра, солиқ тўлашдан жиноий бўйин товлаш субъект томонидан қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ва жиноий жазога лойиқ қилмиш ҳисобланади ва унга бюджетга солиқлар тарзида тўланадиган мажбурий тўловларни у ёки бу даражада камайтириш ёки уларни умуман тўламаслик имкониятини беради⁴. Мазкур таърифда бўйин товлашнинг асосий икки усули назарда тутилган бўлиб, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш каби муҳим белги тушириб қолдирилган.

А.В.Бризгалин бошчилигидаги муаллифлар жамоаси солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш шакли сифатида тавсифлайди. Уларнинг фикрича, бунда солиқ тўловчи қасддан ёки эҳтиётсизлик орақасида солиқ тўлашдан бўйин товлайди ёки ўз солиқ мажбуриятлари миқдорини солиқ қонунчилигини бузиш йўли билан камайтиради⁵. Муаллифнинг ушбу фикрига ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки “бўйин товлаш” тушунчаси ўзининг табиатида кўра фақат қасддан содир этилади.

А.Н.Караханов ўз илмий ишида солиқ жинояти тушунчасини солиқ солишнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи, тўланмаган пул маблағларини айбдорлар ёки учинчи шахслар мулкида қолдиришга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланувчи, давлатнинг бюджет тизимига сезиларли даражада зиён етишига сабаб бўлувчи айбли, ижтимоий хавфли, ғайриқонуний қилмиш сифатида тавсифлайди⁶.

Бизнингча, бу таъриф солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг барча муҳим белгиларини қамраб олиш билан бир қаторда, унинг жазога сазоворлиги ҳақидаги белгини ўз ичига қамраб олмаган. Шу билан бир вақтда, мазкур жиноятни содир этишдан мақсад, тўланмаган пул маблағларини айбдорлар ёки учинчи шахслар мулкида қолдиришдан эмас, балки уларни тўламасликдан иборат. Айни ҳолат солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш доим ҳам тамағирлик ниятида содир этилавермаслиги билан изоҳланади.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг ижтимоий хавфлилигидир, яъни қилмишнинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зиён етказишга қодирлигидир. Бу инсон

хулқ-атворини муайян ижтимоий гуруҳ нуктаи назаридан тавсифлаш имконини берувчи объектив ҳодиса ҳисобланади. Бундан ташқари, ижтимоий хавфлилик солиқ ҳуқуқбузарликларини маъмурий ҳуқуқбузарликлардан, маъмурий ҳуқуқбузарликларни эса ўз навбатида жиноий қилмишлардан ажратувчи ўзига хос мезон вазифасини ҳам бажаради.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги ҳақида сўз юритганда, муаллифлар унинг мазмунини солиқларнинг функциялари орақали ёритадилар ва бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги жамиятнинг хўжалик ҳаётида солиқларнинг юксак аҳамияти билан белгиланишини таъкидлайдилар⁷. Шунингдек, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги белгиланган солиқ солиш объектларидан қонунга мувофиқ солиқ тўлашга мажбур бўлган шахслар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги оқибатида давлат бюджетига зиён етказилиши билан белгиланади⁸, деган фикр ҳам кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида” 2003 йил 6 июндаги 6-сон қарорида юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайтириб кўрсатиши, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ўзга тарзда, жумладан, назорат-касса машиналарининг фискаль хотираси хизмати дастурини ноқонуний ўзгартириш йўли билан қасддан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказишини, солиқдан яширилган маблағлардан, аксарият ҳолларда, жамият манфаатларига зид равишда фойдаланилиши солиқ қонунчилиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилигини оширишини таъкидлаб ўтилган⁹.

Юқорида баён этилганлар бизга “солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш” тушунчасининг қуйидаги таърифларини таклиф қилиш имконини берди:

солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш — жисмоний ёки юридик шахсларга солиқ солиш соҳасида қасддан содир этилган, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик хусусиятига эга бўлган, қонунда белгиланган солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджетига тўлиқ ёки қисман тўламасликка қаратилган, содир этганлик учун молиявий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини белгиловчи асосий омиллардан бири, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбуриятининг бажарилмаслигидир. Солиқ жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, уларнинг содир этилиши натижасида давлат иқтисодиётининг нормал фаолияти издан чиқади, шунингдек, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам жиддий

зиён етказилади. Шу билан бирга, яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, бюджетта солиқ тўловларининг тўлиқ келиб тушмаслиги иш ҳақи, пенсиялар ва дотацияларнинг ўз вақтида тўланмаслигига, ижтимоий дастурлар, илмий тадқиқотлар ва шу кабиларнинг қисқаришига олиб келади.

Солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар нафақат ижтимоий ёки молиявий, балки маънавий муаммоларни ҳам юзага келтириши мумкин. Солиқ жиноятларининг ижтимоий хавфлиги — давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига зарар етказиши билан ҳам белгиланади. Яъни, солиқ жиноятлари солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ белгиланган бюджетларга ёки бюджетдан ташқари жамғармаларга келиб тушишига тўсқинлик қилади ҳамда бу орқали давлат иқтисодининг нормал функцияланишига таъсир кўрсатади. Турли бўғиндаги бюджетларга белгиланган солиқ суммаларининг келиб тушмаганлиги — иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига, дотациялар, ижтимоий дастурларнинг рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилади¹⁰.

Солиқ жиноятлари молиявий муаммолар туғилишига ҳам сабаб бўлади. Солиқларнинг функционал аҳамияти ва уларни тўлашдан бўйин товлаш натижасида бюджетга етказиладиган зиён, ҳеч шубҳасиз, солиқ жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамай, улар мазкур муаммони тўлиқ тавсифлашга қодир эмас.

Шу билан бирга, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва қонунга бўйсунувчи солиқ тўловчилар томонидан тўлиқ тўланиши улар ўртасидаги инсофли рақобат принципини ҳам бузади ва уларнинг бозорда тенг бўлмаган ҳолатда қолишларига сабаб бўлади.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи омиллар орасида уни бошқа турдаги жиноятлар билан бирикувини ҳам қайд этиш ўринли бўларди. Жумладан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг содир этилиши,

нафақат мамлакатнинг иқтисодий асосларига, балки давлатнинг бошқарув тартибига ва ўзга шахсларнинг мол-мулкига зарар етказиши. Унинг натижасида қўлга киритиладиган маблағлар эса терроризмни, уюшган жиноятчиликни маблағ билан таъминлашга йўналтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида суверен давлатнинг солиқ тизими тўлиқ шакллантирилган. Бу тизим даромаднинг бир қисми давлатга ўтказилишигагина эмас, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатишга қодир. Шу билан бир вақтда, бозор муносабатлари ривожланаётган шароитларда солиқ тизимининг ўрни ва аҳамиятини белгилашга нисбатан янгича ёндашувни ишлаб чиқиш фурсати келди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда, ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, кўрилган чоралар мамлакатда вазиятнинг барқарорлашувига ва ижобий ҳолатларнинг мустаҳкамланишига олиб келди. Чунончи, “хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди”¹¹.

Юқорида баён этилганлар жамият ва давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлигини ва ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруриятини шак-шубҳасиз тасдиқлайди.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена социальной важности назначения ответственности за уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей. В статье автор уделяет внимание уголовно-правовым аспектам назначения наказания за уклонение от уплаты налогов или других обязательных платежей, анализируются различные научно-теоретические взгляды и подходы ученых.

¹ Каримов И.А. Бизнесинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2005. — Б. 89.

² Александров И.В. Налоговые преступления: Криминалистические проблемы расследования. — СПб., 2002. — С. 34, 37.

³ Кот А.Г. Уголовная ответственность за преступления в сфере налогообложения (по материалам России, Беларуси, Литвы и Польши): Автореф. дисс. канд. юрид. наук. — М., 1995. — С. 19.

⁴ Белоусова С.С. Уголовная ответственность за уклонение от уплаты налогов: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. — М., 1996. — С. 13.

⁵ Брызгалов А.В., Верник В.Р., Головкин А.Н. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика // Налоги и финансовое право. — М., 2002. №6. — С. 45.

⁶ Караханов А.Н. Уголовная ответственность за уклонение от уплаты налогов или страховых взносов в государственные внебюджетные фонды с организации: Дисс. канд. юрид. наук. —

М., 2001. — С. 75.

⁷ Кучеров И.И. Налоговые преступления. — М., 1997. — С. 234.

⁸ Гаухман Л.Д. Хозяйственные преступления. Учебное пособие. — М., 1995. — 312 с.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида” 2003 йил 6 июндаги 6-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.2. — Т.: Адолат, 2006. — Б. 131.

¹⁰ Ходжиев Э. Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлар) мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. — Б. 212.

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009. — 24 б.

ЖИНОЯТДА ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ИШТИРОКЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Илмий адабиётларда ва мамлакатимизнинг Жиноят кодексига икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этишда иштирок этиши мураккаб иштирокчилик деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фақатгина 29-моддасидагина оддий ва мураккаб иштирокчилик тўғрисида сўз юритади. Жиноят кодексининг Махсус қисмини бирор-бир моддасида иштирокчиликнинг бу икки шакли жиноят квалификациясига ўз таъсирини ўтказмайди. Қонун чиқарувчи бу ерда фақатгина “Бир гуруҳ шахслар” тўғрисида гапириб ўтишни маъқул деб топади. Шу сабабли, Жиноят қонунини тўғри қўллаш учун қуйидагиларни назарда тутиш керак. Агар Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноят таркибининг белгиси “бир гуруҳ шахслар” деб берилган бўлса, у ҳолда унга иштирокчиликнинг оддий ҳамда мураккаб шакллари киради, яъни мазкур жиноятнинг хавфлилик даражаси қонун чиқарувчи томонидан, энг аввало, жиноят икки ва ундан ортиқ шахс томонидан аввалдан тил бириктириш ёки бириктирмасликдан қатъий назар, содир этилиш фактига боғлиқ бўлади¹”, — деб, А.С.Якубов томонидан берилган фикрни маъқуллаймиз.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг баъзи моддалари бевосита мураккаб иштирокчиликни квалификациялашнинг муҳим элементи сифатида талаб этади. Масалан, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар (Жиноят кодексининг 164-169)да, иқтисодий асосларига қарши жиноятлар (ЖК 175-178, 186, 188-190) ва бошқа бир қатор меъёрларида мураккаб иштирокчилик қонун чиқарувчи томонидан квалификациялаш учун мажбурий элемент сифатида кўрсатиб ўтилади.

Маълумки, оддий иштирокчиликда жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида роллар тақсимланмаган бўлади, бунда, юқорида таъкидланганидек, иштирокчилик жиноят содир бўлиш пайтида юзага келганлиги учун, одатда, ҳамкор бажарувчи-

лик тўғрисида сўз боради. Яъни, иштирокчилик катнашчиларининг барчаси бажарувчи сифатида иштирок этади. Бундан фарқли равишда, мураккаб иштирокчиликда баъзи роллар функционал тарзда олдиндан тақсимланган бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида бир гуруҳ шахсларни олдиндан тил бириктирган деб топиш юзасидан ягона бир фикрга келинмаган. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, олдиндан тил бириктириб содир этиладиган иштирокчилик ҳам ҳамкор бажарувчилик асосида, ҳам роллар тақсимланган ҳолда бўлиши мумкин². Бошқа бир гуруҳ муаллифларнинг фикрича, иштирокчиликнинг бу шакли фақатгина ҳамкор бажарувчиликда содир этилиши мумкин³.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида “бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб” жиноят содир этиши жиноятни квалификация қилувчи белги сифатида қаралар экан, бу иштирокчилик фақатгина ҳамкор бажарувчилардан ташкил топган бўлиши керак. Бундай шаклда жиноят содир этишнинг хавфлилик даражаси шу даражага етиб борадики, қонун чиқарувчи томонидан бу белгини квалификациялаш учун зарурий белги сифатида мустаҳкамлаб қўйилади. Бунинг сабаби эса, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда иштирокчиларнинг ҳаракат вақти ва жойи ягона бўлади. Бундай жиноятни содир этишга бир киши кодир эмас, яъни жиноят иштирокчиликда содир этилиб, роллар тақсимланган бўлса, бу жиноятни бажарувчининг яқка ўзи бажара олмайди, бошқа иштирокчилар ҳам жиноятни бажаришга жалб этилади. Бунда жиноятни содир этиш анча енгиллашади, яъни юқори самарага эришилади, жиноий оқибат тез юзага келади, етказилаётган зарар кўпроқ бўлади.

Айтиб ўтилган фикрлар суд амалиётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 20-бандида шундай дейилган: “бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд

ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “п” банди билан квалификация қилишда ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдиндан тил бириктирув бўлган бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозим.

Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “п” банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларининг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса унга ҳалок этувчи шикаст етказган).”

ЖКнинг 30-моддаси 1-бандига кўра, «Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар». Тергов ва суд органлари амалиётига кўра, бунда иштирокчиларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28-моддаси орқали квалификация қилинади. Бундай квалификация учун жиноятни содир этган шахснинг ҳаракатлари ва унинг оқибатлари ҳам ушбу жиноятнинг ташкилотчиси (раҳбари), далолатчи, ёрдамчиларнинг умумий мақсадлари билан қамраб олинган бўлиши керак.

Иштирокчилар якка ўзи ҳаракат қилиб, жиноят содир этган шахслар сингари тегишли ҳажмдаги жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортиладилар”⁴.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда ташкилотчилар, далолатчилар ва ёрдамчилар жиноятни содир этишда бевосита иштирок этмайдилар, шу сабабли уларнинг ҳар бири ўзининг иштирок қилиш даражасига кўра жавобгарликка тортилади ва уларга жазо белгилашда айнан иштирокчилик даражасига алоҳида эътибор қаратилади.

Иштирокчиликда ташкилотчи шахси нисбатан ажратиб кўрсатилади ва уни жавобгарликка тортиш ҳамда жазо тайинлашда бажарувчига тайинланган жазо билан бир хил ёки ундан оғирроқ жазо тайинлаш тажрибаси амал қилади.

Далолатчига тайинланадиган жазо бажарувчига тайинланадиган жазо билан бир хилда бўлиши, баъзи ҳолларда енгил ёки оғирроқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда далолатчи жиноятни бажаришга кимни далолат қилгани, яъни қизиқтирганлиги ҳам маълум маънода аҳамият касб этади. Агар

далолатчи жиноятни бажаришга вояга етмаган шахсни қизиқтирган бўлса, албатта, уни жавобгарлиги бажарувчига нисбатан оғирроқ бўлиши керак.

Ёрдамчига, қоида тариқасида бажарувчи ёки далолатчига қараганда енгилроқ жазо тайинланади.

Далолатчи жиноят содир этишга бирор кишини жалб этса, аммо бажарувчи аввалига розилик бериб, жиноятни содир этиш пайтида уни бажаришдан ихтиёрий қайтса, далолатчи иштирокчиликда эмас, балки жиноятга тайёргарлик кўришда айбланиши лозим, чунки бунда бажарувчи мавжуд бўлмайди.

Жиноятда иштирокчилик, иштирокчилар учун ягона мақсаднинг оқибатларини келтириб чиқаришга қаратилган бир неча шахснинг саъй-ҳаракатларини ифодаловчи жиноий фаолиятнинг алоҳида шаклидир. Жиноятчиликнинг бу шакли, алоҳида шахснинг ҳаракатларига нисбатан анча хавфлидир.

Аммо, шуни назардан қочирмаслик керакки, иштирокчилик жиноий жавобгарликнинг махсус ёки алоҳида асосларини келтириб чиқармайди.

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

Жиноятда иштирокчи сифатида қатнашган шахснинг жавобгарлиги асослари ҳам худди алоҳида шахснинг жавобгарлиги асослари каби муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 30-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам бажарувчининг қилмиши квалификация қилинган моддаси ёки модданинг тегишли қисмининг тегишли банди билан жавобгарликка тортилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчиликда содир этилган жиноятларни фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликка ва бажарувчиларидан ташқари ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилардан иборат бўлган иштирокчиликка бўлинган. Фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликда гуруҳ аъзоларининг барчаси улар ният қилган жиноятни бажаришда, яъни ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажарган бўлади. Шунга кўра, жиноятда биргалашиб қатнашган барча иштирокчилар (гуруҳ аъзолари) ўзлари содир этган жиноятда айбланиб тўғридан-тўғри ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан жавобгар қилинадилар.

Бажарувчиларидан ташқари ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар ҳам қатнашган иштирокчиликда эса, аҳвол бироз бошқачароқ бўлиб, бажарувчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни амалга оширса, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда ҳам қатнашмайди. Булар фақат жиноятни содир этиш учун шароит яратиб беради, холос. Шунинг учун ҳам ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи қатнашган жиноят иштирокчиликнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Шунга кўра, иштирокчиликнинг бундай шаклини квалификация қилиш, фақат бажарувчилардан иборат бўлган иштирокчиликни квалификация қилишдан фарқ қилади. Бундай иштирокчиликни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жиноятни бажарувчиси бевосита ўзи жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни бажарганлиги учун ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси билан, бошқа иштирокчилари эса (ташкилотчи, далолатчи,

ёрдамчилар) ЖКнинг 28-моддаси ва Махсус қисмининг муайян моддаси билан жавобгар қилинади. Агар жиноят иштирокчилари фақат икки кишидан иборат бўлиб, улардан бири бажарувчи, иккинчиси ёрдамчи ёки далолатчи сифатида жавобгарликка тортилган бўлса, ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган бир гуруҳ шахсларни ташкил қилмайди. Чунки ЖК Махсус қисмининг моддаларида назарда тутилган “бир гуруҳ шахслар” тушунчаси камида икки кишининг бажарувчи сифатида қатнашганлигини кўзда тутди. Жиноятда икки киши айбланиб, бири бажарувчи, иккинчиси ёрдамчи ёки далолатчи сифатида жавобгар қилинган бўлса, булар ҳам бажарувчи жавобгар қилинган норма билан жавобгар қилинади.

ЖКнинг 30-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳам гуруҳ аъзолари томонидан содир этилган барча жиноятларда бажарувчи сифатида жавобгар қилиниб, ЖКнинг 28-моддаси орқали квалификация қилинмайди. Чунки бундай гуруҳнинг ташкилотчиси, гуруҳни ташкил қилишдан ташқари, гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноятга ёки жиноий фаолиятга раҳбарлик қилади. Гуруҳ аъзоларининг бутун жиноий фаолияти ташкилот раҳбарининг иродасига бўйсундирилганлиги туфайли улар гуруҳ раҳбари сифатида гуруҳнинг асосий фигураси деб ҳисобланади. Аммо гуруҳ раҳбари билмаган ва унинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган жиноят учун гуруҳ ташкилотчиси ёки гуруҳнинг бошқа аъзолари жавобгар қилинмайди⁵. Бундай ҳолда гуруҳнинг фақат ўша жиноятни содир қилган аъзосининг ўзи жавобгар бўлади. Жиноят ҳуқуқи назариясида гуруҳнинг бундай аъзосини эксцесс бажарувчи деб топилади.



АННОТАЦИЯ

Статья освещает правовые основы специфику ответственности соучастников преступления, анализируются различные научно-теоретические взгляды ученых.

¹ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент, 2005. — Б. 239.

² Уголовное право. Учебник Т.1. — М., 2005.

³ Галимов И.Г., Сундуrow М.Ф. Организованная преступность: тенденции, проблемы, решения. Казань, 1998. С. 33.

⁴ М.Х. Рустамбоев Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. –Тошкент: Илм-зиё, 2006. - Б.241.

⁵ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2006.

Улуғбек КАРИМОВ,
«Фалсафа ва ҳуқуқ» институти
тадқиқотчиси

ТАЛАБДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш фуқаролик муомаласининг ўзига хос кўриниши сифатида қонунда белгиланган асослар ва шартлардан келиб чиқиб, амалга оширилади. Албатта, фуқаролик муомаласининг вужудга келиш асоси муайян юридик фактларга асослангани каби талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳам юридик фактларга асосланади. Бироқ бундай юридик фактлар рўйхати ва уларга нисбатан талаблар қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаганлиги ва қатъий эмаслиги ажралиб туради. Амалдаги қонунчилик талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш асосларига нисбатан умумий қонидани назарда тутиши билан характерланади. Яъни, ФК талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишни "кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтказиш асослари" сифатида белгилайди ва уни икки турга бўлади: кредитор ҳуқуқларининг у томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ва кредитор ҳуқуқларининг қонун асосида бошқа шахсга ўтиши. Кўришиб турибдики, кредитор томонидан битим бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш — талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, деб юритилади. Унинг асослари сифатида эса амалдаги қонунчиликда аниқ ҳолатлар белгиланмаган. Юридик адабиётларда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш асослари одатда кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиш асослари билан умумийликда кўриб чиқилганлигини кўриш мумкин¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, талабдан воз кечиш қарздорга нисбатан бўлган талаб қилиш ҳуқуқини кредитор томонидан янги шахс, яъни, талаб қилишни унинг фойдасига воз кечилаётган шахс ва кредитор ўртасидаги келишув (битим)га асосан амалга оширилади². Талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши фақат битта асос битим бўйича амалга оширилади. Бундай битим тарафларнинг эрки-иродасига асосланади ва турли шартномалар кўринишида тузилади.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш кредитор томонидан ўзининг учинчи шахсга нисбатан муайян мулкӣ ҳуқуқларини учинчи шахсга ўтказишга қаратилган унинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Бундай битимнинг асосий томони учинчи шахсларга нисбатан мулкӣ талаби мавжуд бўлган кредитор ҳисобланади. Кредитордан тегишли талаб қилиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объекти сифатида бошқа шахсга ўтиши одатдаги моддий неъматларнинг бошқага ўтишидан фарқ қилади. Бунда одатдаги ашёларда бўлгани каби ашёни жисмоний ўтказиш мумкин эмас. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги дастлабки ҳуқуқ эгаси (кредитор) ҳаракати (битими, ҳужжати) амалга ошириш тартиби ва оқибатларини назарда тутувчи махсус қондаларни белгилайди. Мазкур қондаларга кўра, кредитор ҳаракатининг оқибати мажбуриятда кредиторнинг ўзгариши ва ўз навбатида, ҳуқуқ (талаб)нинг бир шахс (дастлабки кредитор, цедент) мулкидан иккинчи шахс (янги кредитор, цессионарий) мулкига ўтиши ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида битимлар мажбуриятли ва тақсимловчи (ўтказувчи, транспортли) битимларга бўлиниши хусусида фикрлар мавжуд. Масалан, Б.Б.Черепяхиннинг фикрича, тақсимловчи битимлар мутлақ-ҳуқуқӣ оқибатларга олиб келади. Мажбуриятли битимлар эса, мажбурият-ҳуқуқӣ муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш орқали мажбуриятли оқибатларни юзага келтиради³.

Анъанавий талқинда ҳуқуқ (талаб)дан бошқа шахс фойдасига воз кечиш — бу "транспортли (ўтказувчи)", "транслятив", "тақсимловчи", яъни дастлабки кредитор мол-мулкӣ (активи) таркибидан янги кредитор таркибига ўтадиган, мажбуриятдан вужудга келадиган, мол-мулкни талаб қилиш ҳуқуқи шаклида ўтишига олиб келадиган битимдир.

Ҳуқуқ (талаб)ни бошқа шахсга ўтказиш бити-

ми ўзининг табиатига кўра, Рим ҳуқуқидаги мулк ҳуқуқини ўтказиш учун ашёни эгаллик қилишга топшириш бўйича битим (традиция)га ўхшаб кетади. Топшириш битими ўзининг мазмуни бўйича чекланган бўлади: унда ўтказилаётган ҳуқуқ эгасининг эрки ва ушбу ҳуқуқни қўлга киритувчининг хоҳиши ифодаланади. Бу сифат талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш (цессия) ва ашёни топшириш, традициянинг ўхшашлигини кўрсатади, чунки бунда ҳам мулк ҳуқуқи қўлга киритувчига ўтади⁴.

Талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, яъни талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш асоси ҳисобланган битим ушбу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг эрк-иродасини ифодалайди. Мазкур битимдаги эрки ифодалаш шакли одатдаги фуқаролик-ҳуқуқий битимлар каби бўлса-да, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракат ва бунинг натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар нисбатининг ўзгариши одатдаги жараёндан тубдан фарқ қилиши билан ажралиб туради. Агар ашёни, мол-мулкни бир шахсдан иккинчисига ўтказишга қаратилган битимлардан тарафларнинг ҳаракати қаратилган объект моддий кўринишда намоён бўлса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимининг объектида эса бундай моддийлик кузатилмайди. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимида бир шахсдан иккинчи шахсга ўтаётган объект, нарса моддийлашмаган кўринишда бўлади ва унинг мавжудлиги тегишли ҳужжатларнинг берилиши орқали расмийлаштирилади. Қўпол қилиб айтганда, эса бу битимда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтаётган объект фақат "қоғозда" ифодаланади, холос. Бунда мазкур "қоғоз" — ҳужжатнинг тўғрилиги, қонунийлиги биринчи навбатда тарафлар томонидан текширилиши билан бирга, уларнинг ҳақиқийлиги учун дастлабки кредитор жавобгар ҳисобланади.

Маълумки, битим қонунга мос, қонунга риоя қилинган ҳаракатлар сифатида тан олинади. Битимнинг қонунга мос келиши унинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий битим қонунга риоя қилинган ҳаракатлар сифатида фарз қилинади⁵. Шу сабабли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими ҳам қонун ҳужжатларида фуқаролик ҳуқуқи субъектларига берилган эркинлик ва кенг имтиёзларнинг, диспозитив йўналтирилганликнинг амалий ифодасини англатади. Чунки, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими билан тақиқланмаган ҳар қандай талаб бошқага ўтказилиши мумкинлигини англатади. Зеро, дастлабки кредитор талабининг қонунийлиги ва талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимнинг қонун йўл қўйган ҳаракат сифатида эътироф этилишини таъминлайди.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими одатдаги бошқа битимлар каби муайян

ҳуқуқий мақсадга эришишни кўзлайди. Зеро, ҳар қандай битим тузиш ҳам муайян мақсадни кўзлайди. Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, битим юридик аҳамиятга эга бўлган эрк — баённомаси сифатида фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга, яъни бирон бир ҳуқуқий мақсадга эришишга қаратилган бўлади⁶.

И.Б.Зокировнинг таъкидлашига кўра, ҳар қандай битим шахсларнинг эрк-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдиришга қаратилади. Битимда фуқаро ва ташкилотларнинг маълум моддий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эрклари ифодаланади.

Битим шахсларнинг эрки билан боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли, битимда ифодаланган эрк ифода қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим⁷.

Ш.М.Асьянов битим субъектнинг учинчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида амалга ошириладиган эрк изхоридир деб таъкидлайди. Битимни тузаётган субъектлар томонидан кўзланаётган мақсад ҳамisha ҳуқуқий хусусиятга эга бўлади, яъни мулк ҳуқуқини, муайян ашёдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш ва ҳ.зо. Шу сабабли, ҳуқуқий мақсадни кўзда тутмайдиган маънавий-маиший келишувлар, учрашув тўғрисидаги, сайр қилиш тўғрисидаги келишувлар битим бўла олмайди. Битимлар амалга оширилиши учун асос бўлувчи мана шундай турдаги битимлар учун хос бўлган типик ҳуқуқий мақсад битимнинг асоси деб аталади⁸.

Мазкур фикрларни давом эттириб, айтиш лозимки, битимдан кўзланган мақсад унда назарда тутилган ҳаракатнинг оқибатини билдиради. Битимда кўзда тутилган ҳаракатнинг амалга оширилиши ундан кўзланган мақсадга эршилишини таъминлайди. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимида ҳам мақсад бир шахс (дастлабки кредитор)га тегишли ҳуқуқнинг иккинчи шахс (янги кредитор)га ўтишини расмийлаштириш ҳисобланади. Янги кредиторда ҳуқуқнинг бундай тартибда ўтиши ҳуқуқнинг одатдаги тарзда юзга келишидан фарқли жиҳатларга эга. Биринчи навбатда, мол-мулкни сотиб олиш орқали унга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш реал ва моддий таъминланганлик хусусиятга эга бўлса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимида эса янги кредитор учун ҳуқуқнинг вужудга келиши нисбий тусга эга ва ҳали бу ҳуқуқ унинг учун муайян моддий натижани юзга келтирмайди ва бошқа шахс (қарздор)нинг мажбурияти билан таъминланган ҳисобланади, холос.

Талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ёки талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимининг ҳуқуқий оқибати бўлиб, бир шахснинг ўзига тегишли мажбуриятдан келиб чиқувчи

ҳуқуқидан маҳрум бўлиши ва унинг шу ҳуқуқи бошқага ўтиши ҳисобланади. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими тузилиши билан дастлабки кредиторнинг мажбурият юзасидан қарздорга нисбатан ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади ва шу орқали у ўз ҳуқуқидан ўз хоҳишига кўра воз кечади. Бундай воз кечиш натижасида қарздорнинг мажбурияти бекор бўлмайди, балки бу мажбурият бошқа шахс фойдасига ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги №110-сонли "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарорига кўра, судлар кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ низоларни кўришда бундай ишлар бўйича янги кредиторнинг ҳуқуқнинг ўтказилиши натижасида дастлабки кредитордан оладиган мажбуриятлари ҳажмини аниқлаш муҳим масала эканлигини инобатга олишлари лозим.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади.

Янги кредиторга, хусусан, пул мажбуриятининг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар (масалан: боқиманда ундириш ва ҳ.к), шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга бўлган ҳуқуқ ҳам ўтади. Ваҳоланки, пул мажбуриятида кредитор ўзгарган ҳар қандай ҳолда ҳам дастлабки кредитордан янги кредиторга барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтади.

Битимдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш асоси бўлиб, цессия битим ҳисобланади. Цессия — бу бир томондан мажбурият бўйича кредиторнинг ва иккинчи томондан, бошқа шахснинг кредиторга тегишли ҳуқуқни топшириш тўғрисидаги битимдир. Ҳуқуқдан воз кечиш ҳуқуқий натижаси талаб қилиш ҳуқуқининг кредитордан учинчи шахсга ўтиши ҳисобланган битимдир⁹.

Айрим адабиётларда таъкидланишича, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартнома ҳисобланади. Масалан, Н.С.Жўраевнинг фикрича, битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишда дастлабки кредитор ўзига мажбурият асосида тегишли бўлган ҳуқуқини (талабни) ўтказиб бераётган шахс билан шартнома тузади, натижада ўша шахс аввалда мавжуд бўлган мажбурият юзасидан янги кредиторга айланади¹⁰.

Бироқ амалдаги ФК талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишни шартнома эмас, битим деб атайди ва шу орқали формал жиҳатдан талабнинг бир томонлама битим орқали ўтказилиши мумкинлигини назарда тутаяди. Бир қатор ада-

биётларда эса мазкур битимнинг бир томонлама бўлиши амалда мумкин эмаслиги фикри усунлик қилади ва уларда таъкидланишича, цессияда цедентнинг ўз ҳуқуқидан воз кечиш хусусидаги хоҳиши билан бирга цессионарийнинг талабни қабул қилиш истаги ҳам мавжуд бўлиши лозим¹¹.

Қоидага кўра, цессия каузаль ва икки томонлама битим сифатида тавсифланади. Каузаль (лотинча *causalis* — сабабли) деб — мазмуни жиҳатдан муайян мақсадга эришишга қаратилган ва ҳақиқий деб ҳисобланиши учун мавжуд асосга бевосита боғлиқ бўлган битимга айтилади¹². Демак, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини назарда тутаяди ва унинг мавжуд бўлиши дастлабки кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятнинг мавжудлиги ҳисобланади. Агар дастлабки кредитор ва қарздор ўртасида муайян мажбурият мавжуд бўлмаса, яъни, талабнинг ҳақиқийлиги мавжуд асосга таянмаса талаб қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказишга қаратилган битим ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Масалан, дастлабки кредитор ва қарздор ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, кредитор қарздорга 5 млрд. сўмлик товарни етказиб берган ва унинг ҳақини 6 ойдан сўнг олиши лозим бўлса, дастлабки кредитор қарздорга нисбатан ўзининг 5 млрд. сўмлик талабидан янги кредитор фойдасига воз кечади. Талаб қилиш ҳуқуқи эса мавжуд асосга, яъни 5 млрд. сўмлик талабга таянади. Дастлабки кредиторнинг 5 млрд. сўмлик талаби эса тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бундай ҳужжатлар жумласига, дастлабки кредитор ва қарздор ўртасидаги маҳсулот етказиб бериш шартномаси, товарлар қарздорга жўнатилганлиги ҳақидаги юк хати, транспорт ҳужжатлари ва шу кабилар киради. Мазкур ҳолат янги кредиторга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг аксарияти, аккредитив билан ҳисоб-китоб қилишдаги ИНВОИЗ ҳужжатлари туркумига ўхшаб кетади. Маълумки, аккредитивда ИНВОИЗ ҳужжатлари туркумига тарафлар ўртасидаги товар етказиб бериш, ишни бажариш, хизматни кўрсатиш шартномаси, товар жўнатилганлиги ҳақидаги юк хати, транспорт ҳужжатлари, сўғурта полиси, товарлар божхона назоратидан ўтганлиги ҳақидаги божхона декларацияси, юк қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги далолатнома ва бошқа бир қатор ҳужжатлар киради. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимнинг ҳақиқийлигини ҳам ана шундай ҳужжатлар тасдиқлаши лозим. Акс ҳолда қарздор янги кредиторнинг талабларини рад этиши мумкин бўлади.

Бошқача айтганда, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими каузаль битим бўлганлиги сабабли ўз-ўзидан ва бевосита ҳақиқий ҳисобланмайди. Каузаль битимлардан фарқли

равишда одатдаги битимлар тузилиши билан ҳақиқий ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши билан ҳеч қандай бошқа сабабларсиз ёки муайян асосга таянмасдан ҳам ҳақиқий бўлади ва унинг ҳақиқий эмаслик хавфи каузаль битимлардаги каби юқори бўлмайди. Каузаль битимларнинг бир тури сифатида талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимида эса, қарздор тилхатининг йўқотилиши, товар қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги далолатноманинг нобуд бўлиши ёхуд юк хатининг тақдим этилмаслиги таъсирида ҳақиқий эмаслик оқибати юқори бўлади.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битимнинг бир ёки икки томонлама битимлиги масаласини очиқ қолдириш орқали амалдаги ФК мазкур турдаги битимлар бир томонлама бўлиши назарий жиҳатдан мумкинлигига замин яратади. Маълумки, бир томонлама битим деганда, бир шахснинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатига айтилади. Мазкур ҳолат юридик адабиётларда етарлича асослантирилган¹³. Бундай битимлар жумласига, васиятнома, ишончнома каби битимлар киради.

Фикримизча, талабдан бошқа шахс фойдаси-

га воз кечиш битимини бир томонлама битим сифатида талқин этиш амалда мавжуд бўлмаган ҳолатни ифодалайди. Индоссамент ёзувини ёзиш орқали талабдан воз кечиш ҳам иккинчи томоннинг розилиги билан амалга оширилади ва иккинчи томоннинг бундай ёзувни қабул қилишдан воз кечиши битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бу ҳолат, энг аввало ордерли қимматбаҳо қоғознинг юридик табиати билан боғлиқ. Умумий қоғоздаги кўра, ордерли қимматли қоғозда ҳам эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоздаги каби муайян шахснинг номи кўрсатилади. Бунда ордерли қимматли қоғозда номи кўрсатилган шахс унда ифодаланган ҳуқуқни нафақат ўзи амалга оширади, балки ўзининг фармойиши (ордер, бўйруқ) орқали бошқа ваколатли шахсга топшириши мумкин бўлади¹⁴. Шу сабабли ордерли қимматли қоғозда талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечилишини бир томонлама битим сифатида қараш нотўғридир.

Шу сабабли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишнинг асоси ҳисобланган цессия икки томонлама битим бўлиб, бунда дастлабки кредитор ҳуқуқлари янги кредиторга ўтиши учун янги кредитор ушбу ҳуқуқларни қабул қилиш истагини билдириши лозим, деган хулосага келиш мумкин.



АННОТАЦИЯ

Данная статья особенностях основ и условий отказа от требования в пользу другого лица. Автор освещает научно-теоретические и гражданско-правовые основы отказа от требования в пользу другого лица, а также, правовые последствия данного деяния. Рассматриваются некоторые виды договоров нормативно, закрепляющих отказ от требований в гражданском праве.

¹Абзалов А.А. Мажбуриятда шахслар ўзгариши. - Тошкент: ТДЮИ, 2011. - Б.35-44.

²Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005.- 42 б.

³Череплахин Б.Б. Правопреемство по гражданскому праву // Труды по гражданскому праву. -М.: 2001. -332 с.

⁴Туктаров Ю.Е. Договор цессии // Бюллетень. Коммерческое право. 2011. -№7. -С.33.

⁵Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. -15 б.

⁶Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. -18 б.

⁷Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -292 б.

⁸Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. -Тошкент: Vector Press, 2010. -294 б.

⁹Гражданское право. Учеб.: В 3 т. Т. 1. - 6-е изд., перераб. и доп. / Н.Д.Егоров, И.В.Елесеєв и др.; Отв. ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. -М.: ТК Велби, Изд -во Проспект, 2003. - 629 с.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. - Тошкент: Vector Press, 2010. - 698 б.

¹¹Белов В.А. Сингулярное правопреемство а обязательстве. -М.: 2000. - С. 139-140; Вошатко А.В. О сущности уступки требования. - 21 с; Крашенинников А.Е. Основные вопросы уступки требования // Очерки по торговому праву. Вып. 6. -Ярославль, 1999. - 7 с.

¹²Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. -31 б.

¹³Раҳмонқулов Ҳ. Битимлар. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. - 23 б.

¹⁴Назаров Ю.Б. Проблемы правового регулирования выпуска и обращения ценных бумаг в гражданском обороте: Автореф. дис.... докт.юрид.наук. -Ташкент: 2008. -18 с.

СУДЛАР ТОМОНИДАН МЕРОС ҲУҚУҚИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори)

Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўллаш амалиёти судлар ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишаётганликларини кўрсатади. Шу билан бирга, судлар фаолиятида мазкур қонунчиликни қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд. Мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг судлар томонидан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши мулк дахлсизлиги ва мерос ҳуқуқи кўриқланишига доир конституциявий кафолатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси) таъминланишининг ўта муҳим воситаси ҳисобланади.

2. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 257-1-сонли қарорига мувофиқ Фуқаролик кодекси 1112-1157-моддалари қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, бироқ 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Мерос 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан бири томонидан қабул қилиб олинган ёки давлатнинг ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилган ҳолларда келиб чиққан низолар 1963 йилги Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

3. Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига мувофиқ мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, деҳқон хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ("Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси), ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ("Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси) ва ҳ.к. лар кирради.

Қонунга кўра (ФК 1113-моддаси иккинчи қисми), мерос таркибига мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар кирмайди:

юрidik шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар (ФК саккизинчи боби).

4. Мерос таркибига фақат мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли бўлган мулк кириши туфайли, ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилмаган иморатлар мерос таркибига фақат марҳумнинг мазкур иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда эътироф этилган ҳолда киритилади.

Мерос қолдирувчи томонидан тузилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва шу каби битимлар унинг ўлимидан сўнг ҳақиқий эмас деб топилганда, қайтарилган мулк ҳам мерос таркибига киритилади.

Биргаликдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан, мол-мулкни натура ҳолида бўлишининг иложи бўлмаганда эса, бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

5. Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига мувофиқ ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васият ва қонун бўйича ворислар сифатида, жумладан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган шахслар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлиги пайтида ҳомила ҳолида бўлиб, мерос очилгандан сўнг тирик тузилган болалари бўлиши мумкин.

6. Фуқаролик кодекси 1119-моддасининг биринчи қисмига кўра, нолойиқ меросхўр деб топилгани мумкин бўлган шахсларнинг ворислигига оид низоларни кўришда шуни назарда тутиш лозимки, уларнинг қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланган, ворисликка қақирилишга имкон яратган қонунга хилоф ҳаракатлари, фақат бу ҳаракатлар қасддан содир этилгандагина меросдан маҳрум этиш учун асос бўлади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун судланган шахсга нисбатан ФК 1119-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган қоида қўлланилмайди.

Меросхўр фақат суднинг ҳал қилув қарорига кўра ва фақат меросдан четлатиш ўзи учун ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатлар туғдирадиган шахснинг даъвоси бўйича нолойиқ деб топилгани ва меросдан четлатилиши мумкин.

7. Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, унда меросхўр тариқасида кўрсатилган, бироқ тегишли навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахс умумий асосларда қонун бўйича ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Бундай ҳолларда, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган васиятномага кўра меросдан маҳрум этилган қонун бўйича меросхўр ҳам умумий асосларда ворислик ҳуқуқига эга бўлади (ФК 1130-моддаси тўртинчи қисми).

8. Судларга тушунтирилсинки, васиятнома қонунда

белгиланган тартибда тузилган ва васият қилувчининг вафотидан сўнг муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутувчи бир томонлама битим ҳисобланади.

Қонунга биноан васият қилувчи ўз мулкни тўлиқ ёки қисман ҳар қандай шахс ёхуд бир неча шахсга, шунингдек юридик шахсларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёхуд давлатга васият қилиши, ёнки бир, бир неча ёки барча қонун бўйича меросхўрларни меросдан маҳрум қилиши мумкин.

Васиятноми ҳақиқий эмас деб топишга оид даъволарни кўришда, судлар Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асосларни назарда тутувчи нормаларига амал қилишлари лозим (ФК 113-128-моддалари).

9. Мерос қолдирувчи томонидан зиммасига бирор бир мажбурият бажарилиши юклатилган васиятнома бўйича меросхўр ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ўртасидаги низоларни кўришда, судлар ФК 1132-моддаси талабларига риоя этишлари лозим.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, меросхўрнинг мерос мулкидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи (масалан, турар жойга нисбатан шахсий эҳтиёжи), шунингдек мулк ҳуқуқининг меросхўрдан бошқа шахсга ўтиши, бундай ўтиш асосларидан (сотилш, ҳада, айирбошлаш ва ҳ.к.) қатъи назар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ҳуқуқларига таъсир этмайди, чунки бундай ҳуқуқлар ҳажми мерос қолдирувчи томонидан васиятноми тузиш пайтида белгиланиб, унинг меросхўрлари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, васиятнома ва унинг асосида берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай талаблар бўйича келишув битими тасдиқланишига, у қонунга зид бўлиши туфайли (ФПК 40-моддаси бешинчи қисми) йўл қўйилмайди.

11. Фуқаролик кодекси 1112-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ қонун бўйича ворислик фақат васиятнома мавжуд бўлмаган ёки мерос тақдирини тўла белгиламаган, шунингдек Фуқаролик кодексига назарда тутилган бошқа ҳолларда келиб чиқади.

Қонун бўйича меросхўрларга ФК 1135-1141-моддаларида кўрсатилган ва навбат тартибда ворисликка чақириладиган шахслар киради. Қонунда (ФК 1138-моддаси) тўртинчи навбатда ворисликка чақирилувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли, судлар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражадаги қариндошларга кирувчи меросхўрларни аниқлашда Оила кодекси 57-моддасига риоя этишлари лозим.

ФК 1142-моддасига мувофиқ васият қолдирувчининг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз (шу жумладан, фарзандликка олинган) болалари, унинг меҳнатга қобилиятсиз эри(хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ҳам қонун бўйича меросхўр бўладилар. Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўрлар, мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, иккинчи ва ундан кейинги навбатдаги ворислар мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Тушунтирилсинки, мажбурий улуш миқдори қонунда белгиланганлиги сабабли васият қилувчи меросхўрларнинг бу улушга нисбатан ҳуқуқларини ўзгартиришга ёки бошқача тарзда унга таъсир этишга ҳақли эмас.

Мажбурий улуш белгилашда қонун бўйича ворисликка чақирилиши мумкин бўлган барча меросхўрлар инobatга олиниши ва мерос таркибига кирувчи барча мол-мулкдан келиб чиқиши лозим.

Меросхўрга мажбурий улуш тайинлашда у мерос тариқасида бирон-бир асосга кўра олаётган барча нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам инobatга олинади (ФК 1142-моддаси).

13. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қуйидаги ҳолларда ҳам қонун бўйича ворислик мавжуд бўлади:

тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик (ФК 1140-моддаси);

мерос трансмиссияси тартибда ворислик (ФК 1140-1-моддаси);

мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари томонидан ворислик (ФК 1141-моддаси).

14. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутди. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бирдек даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Масалан, агар ўғил (қиз) отаси ёки онасидан олдин вафот этган бўлса, унинг болалари бобоси ёки бувисининг вафотидан сўнг қолган меросга нисбатан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун бўйича маҳрум меросхўрнинг эри(хотини) тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўла олмайди.

15. Мерос трансмиссияси тартибда ворислик васиятнома ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр (трансмиссент) мерос очилганидан кейин, лекин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган ҳолларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига (трансмиссарларига) ўтади.

Мерос трансмиссияси қуйидаги шартларда вужудга келади:

мерос очилган пайтда ворислик ҳуқуқига эга бўлган васият ёки қонун бўйича меросхўрнинг борлиги;

васият ёки қонун бўйича меросхўр меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этганлиги сабабли унинг меросдаги улуши тақдирини ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганлиги;

вафот этган меросхўр унинг меросхўрлари билан алмаштирилиши мумкинлиги.

16. Фуқаролик кодекси 1141-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган меҳнатга қобилиятсиз шахсларни қонун бўйича меросхўр деб топиш учун бир вақтнинг ўзида икки ҳолатнинг мавжуд бўлиши, яъни бундай шахсларнинг бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши ва мерос қолдирувчи билан унинг вафотига қадар бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида бирга яшаган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирувчи меҳнатга қобилиятсиз шахсларга келганда эса, улар ворисликка чақирилиши учун фақат уларнинг мерос қолдирувчи вафотига қадар унинг қарамоғида бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида бўлганлигини аниқлашнинг ўзи kifоя.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бир йилдан кам муддат ичида бўлган ва у билан бир йилдан кам муддат ичида бирга яшаган ёки у билан бирга яшамаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФК 1139-моддасига мувофиқ бешинчи навбатда ворисликка чақириладилар.

17. Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси қоидаларига кўра, ворислик амалга оширилганда, меҳнатга қобилиятсиз шахсларга қуйидагилар киради:

мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркеклар;

мерос очилган кунга келиб белгиланган тартибда биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

мерос очилган кунга келиб 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар, 18 ёшга тўлмаган ўқувчилар.

Меҳнатга қобилиятсиз шахсни мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб топиш учун бундай шахс мерос қолдирувчининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ёки ундан олиб турилган моддий ёрдам унинг ҳаёт кечириши учун асосий ва доимий манба бўлганлиги факти аниқланиши лозим. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, иш (хизмат) жойи маъмурияти, ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши мумкин.

18. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъи назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади, ФК 1146-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Агар нотариус томонидан рад этилиши бошқа шахсга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ёки мерос мулки ФК 1157-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки давлатга ўтказилганлиги билан боғлиқ бўлса, ариза даъво иши юритиш тартибда кўрилади.

19. Васият ва қонун бўйича ворисликда меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш йўли билан меросдан воз кечишга ҳақли. Қонунда мерос очилгандан кейин бундай ариза билан мурожаат қилиш мумкин бўлган вақт чегараланмаган.

Мероснинг бир қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар ёки шарт билан воз кечилишига йўл қўйилмайди, ФК 1148-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Меросдан воз кечиш тўғрисида ариза берган меросхўр кейинчалик уни бекор қилиши ёки қайтариб олиши мумкин эмас. Бундай воз кечиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ва қонунда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун белгиланган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин (ФК 113-128-моддалари).

20. Фуқаролик кодекси 1150-моддасига мувофиқ, меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда, тақсимот улардан исталган бирининг талаби бўйича суд тартибда амалга оширилади.

Бундай низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа қилув жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар (ФК 1153-моддаси).

Мерос қолдирувчи билан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар ҳам мерос таркибидан мол-мулкни асл ҳолида (натура шаклида) олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида иштирок этаётган бошқа меросхўрларнинг мулкый манфаатларига риоя этилиши шарт. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ташкил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

21. Меросхўрлар ўртасида ворислик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, суд қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир меросхўрнинг улушини белгилаши лозим бўлганлиги сабабли, иш бўйича ҳал қилув қароридан мазкур улушлар фоиз кўринишида эмас, балки каср кўринишида (масалан, 1/4, 1/3, 1/2 ва ҳ.к.) ифодаланиши керак.

22. Қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаган ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган ҳолларда мерос мол-мулк суднинг ҳал қилув қарорига асосан эгасиз деб топилади.

Мерос мол-мулк мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин, эгасиз деб топилади. уни кўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетган ҳолларда ушбу муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топиллиши мумкин.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига кўра, ФПК 298-300-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибда кўрилади.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкдорлигига, мазкур орган мол-мулкдан воз кечганда эса, давлат мулкдорлигига ўтади. Бундай ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисми эгасиз мол-мулк таркиби ва у кимнинг мулкдорлигига ўтиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори устидан марҳумнинг меросхўри томонидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин.

23. Судлар ворисликка оид ишларни кўришда меросни расмийлаштириш вақтида йўл қўйилган қонунчилик бузилиши фактларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари, шунингдек фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.

24. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги "Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 33-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б.Мустафоев

В.Назаров

«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги: ютуқлар ва муаммолар» мавзусидаги ўқув-амалий қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан 2011 йилнинг 9 ноябридан 9 декабригача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратура-ларда янги лавозимга тайинланган прокурорлар иштирокида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида ўтказилган малака ошириш машғулотлари доирасида, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ТДЮИ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва бошқа ҳамкор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил қилинган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари, ўқув машғулотлари ҳужжатлари ва мавзуга оид мақолалар асосида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги: ютуқлар ва муаммолар" мавзусидаги ўқув-амалий қўлланма (ю.ф.д. Т.Умаровнинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Пўлатов) тайёрланди.

Мазкур ўқув-амалий қўлланма Толибжон Умаров, Муқимжон Қирғизбоев, Абдулхай Мўминов, Шухрат Якубов, Бахтиёр Пўлатов, Ислон Жасимов, Жўрабек Раҳманов, Шермуҳаммад Усмонов, Комилжон Алиходжаев,

Ҳожимород Одилқориев, Исомиддин Исмоилов, Зухриддин Бабакалонов, Даврон Миразов, Юсуф Ҳамдамов каби назарийчи олимлар ва амалиёт ходимлари билан ҳаммуаллифликда тайёрланган бўлиб, ўзида мавзунинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини қамраб олганлиги билан эътиборлидир.

Ўқув-амалий қўлланмада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тушунчаси, шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги роли ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг шакли ва ривожланиш босқичлари, бу борадаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари ёритилган. Шунингдек, қўлланмани тайёрлашда муаллифлар мавзуга доир ғарб ва шарқнинг Платон ва Аристотел, Алишер Навоий, Фаробий каби мутафаккирларнинг бизга мерос қилиб қолдирган маънавий бойликларидан фойдаланган бўлиб, бу эса мавзунинг тарихий ривожланиши ва ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Қўлланмадан амалиётчилар, назарийчилар, ҳуқуқшунослар, бошқа мутахассислар ва кенг жамоатчилик фойдаланишлари мумкин.

«Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси». Монография.

"Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси" монографияси 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси А.Эргашев томонидан ю.ф.д. проф. Р.Рўзиев масъул муҳаррирлигида чоп этилган.

Ушбу монография транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта шартномаси, уни амалдаги қонунчилик асосида қўллашнинг назарий ва амалий тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда мазкур соҳадаги муайян масалалар ечими бўйича улоса ва таклифлар берилган.

Монография олий ўқув юртлари ҳуқуқшунослик йўна-

лиши талабалари, магистрантлари, илмий тадқиқотчи изланувчилари, малака оширувчилари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд амалиёти ходимлари ҳамда фуқаролик шартнома институти муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Монография ФА-А1-Г007 рақамли "Фуқаролик ҳуқуқи шартнома институти такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари" мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти Илмий кенгашининг 2011 йил 29 апрелдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

«Қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида прокурор назорати ҳужжатларини тузиш услублари» мавзусидаги ўқув-амалий методик қўлланма.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Қонунлар ижроси устидан назорат кафедрасида, кафедра бошлиғи юридик фанлари доктори, профессор Б.Х.Пўлатов муаллифлигида, ОУК бошлиғи ю.ф.д. Т.А.Умаровнинг умумий таҳрири остида ва ю.ф.д. Ф.Х.Раҳимовнинг масъул муҳаррирлигида "Қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида прокурор назорати ҳужжатларини тузиш услублари" мавзусидаги ўқув-амалий методик қўлланма тайёрланди.

Мазкур ўқув-амалий методик қўлланмада Ўзбекистонда прокуратура органларининг қонунларнинг аниқ ва бир

хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш фаолиятида аниқланган қонунбузилиши ва уларни бартараф этишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, тузилишлари, тузиш услублари ва тартиб-қоидалари ҳамда бу назорат ҳужжатларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ёритилган.

Ўқув-амалий методик қўлланма прокуратура ходимлари, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари, ўқитувчилари ва бошқа мутахассислар фойдаланишлари учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари